

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Юксак ҳуқуқий
маданият —
демократик
жамият пойдевори ва
ҳуқуқий тизимнинг
етуклик
кўрсаткичидир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan 2010-yil 4-dekabr, shanba № 95-96 (8329) ISSN 2010-6416

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 декабрь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Хиллари Клинтонни қабул қилди.

Бугун Ўзбекистон ва АҚШ сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа йўналишларда ўзаро ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичини ривожлантиришга хизмат қиладиган кенг кўламли масалалар бўйича самарали мулоқот борасида салмоқли тажрибага эга.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон—АҚШ муносабатлари кўплаб соҳаларда ҳамкорлик ва ўзаро англашув руҳида изчил ривожланиб бораётганига юксак баҳо берди.

— Биз Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида қарор топган муносабатларни юксак қадрлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб, мазмунан бойиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Бугунги учрашув ўзаро муносабатлар, икки томонни ҳам қизиқтирадиган минтақавий муаммолар ва масалалар бўйича фикр алмашиш учун яхши имконият бўлади, деб ўйлайман, — деди Ислом Каримов.

Давлат котиби самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик бил-

дириб, АҚШ маъмурияти икки томонлама муносабатларда ўзаро ҳурмат тамойилларига содиқ эканини таъкидлади.

— Президент Жаноби Олийлари! Самимий сўзларингиз ва томонларни қизиқтирган муҳим масалаларни муҳокама қилиш борасида яратилган имконият учун Сизга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Президент Барак Обама ҳам ўзаро муносабатларимизнинг энг муҳим жиҳатларини муҳокама қилиш масаласига алоҳида эътибор билан қарайди. Расмий делегацияларимиз вакиллари кенг кўламли масалаларни кўриб чиқиш имконига эга бўлгани қувонарлидир, — деди Хиллари Клинтон.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, жумладан, халқаро терроризмга қарши курашиш, наркотрафикни бартараф этиш, давлат чегараларини қўриқлаш масалаларида ўзаро ҳамкорлик мустақамланмоқда. Томонлар турли дастурлар доирасида мутахассислар учун ўқув тренинглари ташкил этиш орқали мазкур йўналишда мунтазам равишда тажриба алмашмоқда.

Ўзбекистон гуманитар ва ноҳарбий юкларни ташишда амалий ёрдам кўрсатиш, электр энергияси, озик-овқат, қурилиш материаллари билан таъминлаш, транспорт коммуникациялари барпо этиш орқали Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклашда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, 2010 йилда Афғонистонга узатилаётган электр энергияси ҳажми олти баробар ошди. Ўзбекистонлик мутахассислар стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлини барпо этмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ечиб бўлмайди, деган фикрни яна бир қарра тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги позицияси қатъий ва ўзгармасдир.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида кўплаб йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасида Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди.

Мазкур ҳужжат икки мамлакатнинг давлат идоралари, илмий-тадқиқот марказлари, олий ўқув юрталари ва хусусий компаниялари ўртасида фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни назарда tutади. Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад — биргаликда икки мамлакатнинг илмий-техникавий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, Ўзбекистон ва АҚШ илмий-техникавий ҳамжамиятлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва мустақамлаш, шунингдек, соҳада икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорликни кўллаб-қувватлашдан иборат. Ҳужжатда икки мамлакат ўртасида ахборот, тажриба ва технологиялар алмашуви, қўшма семинарлар, илмий конференциялар ва учрашувлар таш-

кил этиш, олим, эксперт ва бошқа техник мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу илмий-техникавий ҳамкорлик энергетика, ахборот коммуникациялари, биотехнология, соғлиқни сақлаш, нанотехнология, қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳаларни ўз ичига олган.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов ва АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон имзолади.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

3 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги 2010 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган вазифалар тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида ғоят муҳим воқеа бўлганлиги қайд этилди. Унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгартиришлар жараёни чуқур таҳлил қилинди, Ўзбекистоннинг демократик ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги асосий ютуқлари ҳақида ҳар томонлама фикр юритилди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ демократик давлат қуришнинг, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси жаҳон жамоатчилигига ижобий таъсир кўрсатди ва ҳозир ҳам оммавий ахборот воситаларида таниқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг олим ва экспертлари томонидан кенг шарҳланмоқда.

(Давоми 2-,3-бетларда.)

ДИҚҚАТ, ОБУНА!

“Ma'rifat” газетасига

2011 йил учун обуна бошланди.

Азиз муштарийлар!

“Ma'rifat” саҳифалари

орқали таълим-тарбия соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар натижалари, тизимда олиб бориладиган кенг кўламли янгиланишлар, ўқитувчилар фаолиятини, бевосита таълим-тарбия самарадорлигини янада оширишга йўналтириш мақсадида ишлаб чиқиладиган янги меъёрий-ҳуқуқий, методик ҳужжатлар билан тезкор равишда хабардор бўлишни истасангиз, ушбу нашрга 2011 йил учун обуна бўлинг. Обунани “Матбуот тарқатувчи” ҳамда “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик компанияларининг жойлардаги бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

Ma'rifat

Нашр кўрсаткичи — 150.

МЕҲР ВА МУРУВВАТ ШОДИЁНАСИ



3-dekabr — Xalqaro nogironlar kuni

6-бетга қаранг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қоида ва хулосалари асосий стратегик мақсадга эришишга — иқтисодий барқарор ривожланиб бораётган ва бутун дунёда ҳурмат-эътибор қозонган, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, балки амалда олий кадрларнинг ҳисобланувчи кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган. Концепция ички ислохотлар ва умумжаҳон демократик жараёнларнинг боғлиқлигини теран фикрлаш натижаси бўлди. У мамлакатнинг сиёсий тизимини модернизация қилишда дастурий ҳужжат, Ўзбекистонни ислоҳ қилиш ва демократлаштиришда янги босқич бўлди.

Сенаторлар ўз чиқишларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган Концепциянинг қоидалари ва хулосаларини бутунлай ва тўла-тўқис маъқуллаб, мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов томонидан қўйилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидан, ҳар бир сенатордан ва барча даражалардаги депутатлардан юксак ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини ҳамда парламент назоратининг таъсирчанлигини оширишни, ўз ишларида умумдавлат ва минтақалар манфаатлари уйғун қўшиб олиб борилишини таъминлашни талаб қилади. Сенат Кенгаши, кўмиталари ва комиссияларининг, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг энг муҳим вазифаси Концепциянинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчилик, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси эътиборига етказишдан иборат.

Сенаторлар масалани ҳар томонлама муҳокама қилганларидан кейин давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ахборот соҳасини ривожлантириш ҳамда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодийни либераллаштиришнинг Концепцияда белгилаб берилган асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзuidaги маърузасининг асосий қоидалари ва хулосаларини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжаллан-

ган Ҳаракат дастурини маъқуллади. Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришди. Сенаторлар мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати макроиктисодий барқарорликни таъминлашни, Инқирозга қарши чораларнинг 2009—2012 йилларга мўлжалланган дастури ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлигини ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсишига эришишга, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодий шакллантиришга, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилганлигини қайд этдилар.

Муҳокама асносида сенаторлар дунёнинг аксарият мамлакатларида жаҳон молиявий-иктисодий инқирози натижасида иқтисодийнинг ўсиши анча пасайиб кетган, ишлаб чиқаришда турғунлик жараёнлари юз берган, давлатнинг тақриб қарзи кўпайиши давом этаётган бир вақтда жаҳон молиявий-иктисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистонда Президент Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган Инқирозга қарши чораларнинг 2009—2012 йилларга мўлжалланган дастури амалга оширилаётганлиги сабабли ишлаб чиқариш даражаси сақлаб қолинишидан ташқари иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланганлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети профицит билан ижро этилиши таъминланаётганлигини таъкидладилар.

Мажлисте қайд этилганидек, мамлакатимизнинг 2011 йилга мўлжалланган солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушаётган солиқ юқини янада камайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга, фуқароларнинг даромадларини ва уларнинг харид қобилиятини оширишга, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга, шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлашга қаратилади. Хусусан, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқ ставкаси солиққа тортишнинг биринчи ва ўрта шкаласи бўйича бир фоиз бандига пасайтирилади. Шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаларини 7 фоиздан 6 фоизгача пасайтириш назарда тутилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу чора 2011 йилда 50 миллиард сўмдан кўпроқ маблагни хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолдириш имконини беради, уларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширишни жадаллаштириш учун шароит яратади.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети ижтимоий соҳага ва аҳолини социал қўллаб-қувватлашга қилинадиган харажатлар улушини 2010 йилдаги 58,9 фоиздан 2011 йилда 59,5 фоизгача кўпайтиришни назарда тутатганлиги, бу ЯИМга нисбатан 13,1 фоизни ташкил қилиши алоҳида кўрсатиб ўтилди. Масалан, мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ҳамда пенсиялар микдорларини инфляция суръатларидан юқори даражада ошириш йўли билан аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси янада изчил оширишни таъминлашни, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни, молиялашнинг бюджетдан ташқари манбаларини кенгайтиришни, бюджет муассасалари тузилмаси ва тармоғини мақбуллаштиришни, аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг манзиллигини кучайтиришни, Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил этиш йўли билан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини капитал реконструкция қилиш ва таъмирлашни, мебель, замонавий компьютер техникаси ва ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлашни молиялашнинг ишончли ва доимий манбаларини яратишни назарда тутди. Ҳар томонлама муҳокамадан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети маъқуллаш ҳақидаги қарорини қабул қилдилар.

Сенаторлар «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишларини қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Қонун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши, унинг асосий мақсади — кодекснинг айрим моддалари, нормалари ўртасидаги тафовутларни бартараф этишдан ҳамда аниқлаштирувчи нормаларни киритишдан, шунингдек, солиқ тўловчилар билан давлат солиқ хизмати органлари ўртасида вужудга келадиган низоли вазиятларни бартараф этишдан иборат.

Шунингдек, қонун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни тўлашдан бош тортганлик учун мансабдор шахсларнинг, шунингдек, ходимлар сонини яширганлик учун ва қонунга хилоф равишда ходим ёлланлик учун фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 27-моддаси билан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори мувофиқ белгиланиши муносабати билан "Бож тарифи тўғрисида"ги Ўзбекистон Рес-

публикаси қонунига импорт ва экспорт божхона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланиши ҳақида ўзгартиш киритилмоқда. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддаси иккинчи қисмига назорат қилувчи органларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқадиган текширувларни ўтказиш зарур бўлган ҳолларда режадан ташқари текширувларни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ўзгартишлар киритилди.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида солиқнинг ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқаришга, солиқ солинадиган базани аниқлашга, пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига реализация қилиш бўйича оборотларга солиқ солиш масалаларини тартибга солишга қаратилган бир қатор қўшимча ва тузатишлар ҳам киритилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддасига киритилган ўзгартишлар давлат мулкани ижарага бериш бўйича хизматларни, шунингдек, санаторийлар, шифохоналар, профилакторийлар, курортлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва зоналари, болалар дам олиш оромгоҳлари ҳамда бошқа дам олиш ташкилотлари томонидан уларнинг асосий фаолияти доирасида кўрсатиладиган хизматлар, улар юридик шахслар ёки юридик шахсларнинг таркибий бўлинмалари томонидан кўрсатилишидан қатъи назар, қўшимча қиймат солиғидан озод қилиниши назарда тутди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бандлик, аҳоли даромадлари, турмуш даражаси ва сифати ошишини таъминлаш, ҳудудлар ва иқтисодий тармоқларининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилиш учун жавобгарлигини кучайтириш мақсадларида ишлаб чиқилган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Сенаторлар дастур меҳнат бозорининг жорий ва истикболдаги эҳтиёжларини, 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш бўйича ишларнинг қулайлаётган яқунларини, шунингдек, иқтисодийнинг барқарор ўсишини ва мамлакат ҳудудларини ривожлантиришни таъминлаш бўйича 2011 йилга мўлжалланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш ва баҳолаш натижаларига асосланганлигини, шу жумладан, Инқирозга қарши чораларнинг 2009—2012 йилларга мўлжалланган дастурига мувофиқ ишлаб чиқилганлигини қайд этдилар.

2011 йилда иш ўринлари

ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг асосий йўналишлари ва прогноз параметрлари вақтинча ишламаётган фуқаролар (ишсизлар)ни, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшларни, иқтисодийдаги таркибий ўзгартиришлар натижасида бўшаб қолаётган ходимларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларига бўлган эҳтиёжни, шунингдек, янги иш ўринлари ташкил этишнинг барча мавжуд имкониятлари ва захираларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган.

Дастурда 2011 йилда Инвестиция дастурини, маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тармоқ дастурларини амалга ошириш, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш, паррандачилик, балкичилик, асаларичиликка, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжалиқларини ташкил қилиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш, автомобиль ва темир йўллар куриш ва таъмирлаш ҳамда бошқалар ҳисобига 956,2 мингта иш ўрни ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Дастурда 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш прогноз параметрларининг bajarilishi бўйича ташкилий чора-тадбирлар назарда тутилган. Хусусан, иш ўринлари ташкил этиш дастурлари вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, тармоқлар, муайян объектлар бўйича bajarilishining боришини ҳар ойда мониторинг қилиш жорий этилади, мониторинг натижалари бўйича иш ўринлари ташкил этиш юзасидан тасдиқланган топшириқларни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Шундан кейин парламент юқори палатасининг аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақида»ги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Қонун давлат рамзларидан фойдаланиш тартибидан янада такомиллаштиришга қаратилган ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутди.

Қонун Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари тўғрисидаги юқорида кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига давлат байроғини бинолар, мажлислар заллари, хизмат хоналарида, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий тузилмаларида кўтариш,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДА «КОНСТИТУЦИЯ — ЖАМИЯТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ» МАВЗУСИДА УЧРАШУВ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилди. Унда Бош прокуратуранинг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўлими ходими Улуғбек Азимов сўз олиб, ёшларнинг ўз конституцион ҳуқуқ ва бурчларини, ҳуқуқий ҳамда сиёсий саводхонлигини ошириш давр талаби эканини таъкидлади. Бош қомуснинг ҳаётимизда тутган ўрни ва нуфузини оширишга барча фуқаролар масъулдир. Бугунги учрашув билим даражамиз ва фикрлаш қобилиятимизни оз бўлса-да оширди, — дейди 64-мактаб ўқувчиси Хусан Мақсуддинов.

— Ёшлар учун яратиб берилган имкониятлар, аввало, қонунларимизда ифодаланган, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши маданият, маънавий-маърифий ишлар бўлими мудир Оллоёр Бобонов. — Жамиятимиздаги катта ўзгаришлар жараёнида ёшлар фаол иштирок этишлари керак.

Тадбир сўнггида ёшларни қизиқтираётган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

**Анвар ҚОБИЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИНИНГ МАДАНИЯТ САРОЙИДА КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЙВИЙ МЕХАНИЗМИ» МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ИИВ ходимлари, Адлия вазирлигига қарашли олий таълим даргоҳлари, шунингдек, жамоат бирлашмалари мутахассисларининг аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг конституциявий механизмини такомиллаштиришга оид маърузалари тингланди.

Байрам тадбирида ИИВ қошидаги ашула ва рақс ансамбли хушовоз хонандалари концерт дастури иштирокчилар эътиборига намойиш этилиб, байрам муносабати билан Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабининг бир қатор намунали ходимларига мукофот ва эсдалик совғалари топширилди.

М.ЛАТИПОВА

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек технология касб-хунара коллежида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунара таълим маркази, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, Қизил хоч жамияти ҳамкорликда Республика «Меҳр ва мурувват» фонди ташаббуси билан 8 декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллиги байрамига бағишлаган «Маърифатли юрт фарзандларимиз» мавзусидаги кўрик-танловнинг Республика босқичи бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу кўрик-танлов беш йилдан буён мунтазам ўтказиб келинмоқда. Танлов педагогика коллежларида «Бошланғич таълим» йўналишида таҳсил олаётган бўлажак ёш ўқитувчиларнинг ўзлари эгаллаётган касбга қизиқишларини ошириш, иқтидорли бўлажак ўқитувчиларни аниқлаб, рағ-

батлантириш мақсади кўзлангани билан эътиборлидир.

Тадбир аввалида Республика «Меҳр ва мурувват» фонди ижрочи директори Хайриддин Маъсудов куйидагиларни алоҳида таъкидлади:

Барчамизга маълумки, дунёда касблар кўп, энг улуғи эса ўқитувчилик касбидир. Улар орасида энг қийини, масъулиятлиси бошланғич синф мураббийсидир. Танлов қатнашчилари ҳам айнан шу касбнинг бўлғуси эгаларидир. Уларга танлаган касбларига содиқ қолишларини тилайман.

Шундан кейин вилоят босқичларида голиб бўлиб, Республика босқичига етиб келган ўн бир нафар қатнашчи танлов шартларини бажаришга киришиб кетди. Шартлар касб маҳоратини синаш, фавқулодда педагогик вазият-

га доир саволлар ҳамда қисқагина савол-жавоб ва эркин мавзудан иборат бўлди.

Кўрик-танлов якунида нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолари эълон қилинди. Унга кўра, барча шартлар бўйича энг юқори балл тўплаган Са-

Tanlov

марқанд педагогика коллежи ўқувчиси Насиба Ҳайитманова танлов голиби бўлди. Иккинчи ўрин Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Назоқат Мирҳабибовага ва учинчи ўрин хоразмлик Гулёр Жумабоевага насиб этди.

Голиб ва қатнашчилар ҳамкорлар томонидан фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, барча қатнашчиларнинг устозлари ҳам кўп йил-

лик самарали ва ҳалол меҳнати ҳамда ўз хизмат вазифасига бўлган садоқати учун фахрий ёрлик билан тақдирландилар.

— Мен учун шартлар орасида энг мураккаби педагогик маҳоратимизни синов дарида кўрсатиб бериш бўлди. Тан-



ХАМЗА ТУМАНИДАГИ 557-МАКТАБ БОҒЧА МАЖМУАСИДА «БАХТИМИЗ — ҚОМУСИМИЗ» МАВЗУСИДА БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад боғча ва мактаб ёшидаги болаларнинг ҳуқуқий билимини шакллантиришдан иборат. Конституциянинг мазмун-моҳияти ҳақида тарбияланувчиларга батафсил маълумот берилди. Тайёрлов гуруҳи болалари йиғилганларга ўз ҳуқуқий билимлари доирасида саҳна кўринишлари намойиш этишди.

— Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш учун интеграл таълим асосида иш олиб бормоқдамиз, — дейди боғча мудираси Сайёра Йўлдошева. — Ҳар бир тарбияланувчи ўз ҳуқуқини танисин. Улар ўз мустақил фикрига эга, демократик жамият учун хизмат қила оладиган фарзандлар бўлиб вояга етишса, муддаомиз шу.

Феруза ХОЛМУРОВА

ЁШЛИК ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ ХУДУДИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ТАЛАБА-ЎҚУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ, УЛАР ОРАСИДАГИ ИҚТИДОРЛИ, ИЖОДКОР ЁШЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ МАҚСАДИДА БУ ЕРДА ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИНИНГ ШАҲАРЧА БЎЛИНМАСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ЭДИ.

Шаҳарча ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Камолот» ЁИХ бўлимлари ҳамкорлигида кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. «Халқаро ногиронлар куни» ҳамда Конституция-мизнинг 18 йиллиги муносабати билан шаҳарчада байрам дастурхони ёзилиб, концерт дастури тақдим этилди. Тадбирга ташриф буюрган 150 нафардан ортиқ имконияти некланган ёшлар бундан баҳраманд бўлди. Ногирон талаба-ёшлар ўртасида ўтказилган шахмат-шашка мусобақаси голибларига ташкилотчилар ҳамда ҳомийлар томонидан Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

А.ҚОБИЛОВ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, МАВЖУД ТАРТИБИНИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАШ, БОЛАЛАР ОВҚАТЛАНИШНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА САМАРАЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методика марказида бўлиб ўтган ўқув семинарида ҳам шу каби масалалар ўрганилди ва муҳокама қилинди. Пойтахтимизнинг барча мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимлари 3 кун давомида бошқарув учун керакли зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан яқиндан танишдилар.

— Семинар-тренинг муассасалар раҳбарларининг ҳуқуқий билимларини ошириш ва мустаҳкамлаш учун кенг имконият бўлди, — дейди Халқ таълими вазирлиги кадрлар бошқармаси етакчи назоратчиси Фаррух Бобоев. — Чунки ҳар бир муассаса раҳбари ҳам кадрлар билан ишлашда қандай қондаларга амал қилиниши, меъёрий ҳужжатлар юритилиши билан боғлиқ билимлар тўғрисида етарли маълумотларга эга, дея олмай-миз. Шунингдек, жойлардаги бўш иш ўринларининг салоҳиятли кадрлар билан тўлдирилиши масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бундай ўқув машғулотларининг ўтказилиши таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш билан бирга муассасадаги бошқарув тизимининг тартибли йўлга қўйилишини ҳам таъминлайди.

Тингловчилар, шунингдек, МТМда интизомни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари, соғлом овқатланишни ташкил этишда меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳисоботи-ни юритиш масалалари бўйича ҳам етарли билимларга эга бўлдилар.

МУҲБИРИМИЗ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ 64-МАКТАБДА «КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА ТОШКЕН ШАҲАР ПКТМОИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ БАРЧА ТУМАНЛАРДАН ТАШРИФ БУЮРГАН 60 НАФАРДАН ОРТИҚ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛИ ЎҚИТУВЧИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирнинг биринчи қисмида 6-, 7-, 9-синфларда тарих дарсларидан очик дарслар бўлиб ўтди. Дарс жараёнида Ассисмент технологияси, Бумиранг жадвали каби усуллардан фойдаланилди. Айниқса, илғор инновацион технологиялар, мультимедиа воситаларидан фойдаланиш орқали дарслар янада қизиқарли ташкил қилинди.

Шундан сўнг, ўқувчилар Конституцияни ўрганиш борасидаги билимларини намойиш қилдилар. Ватан ҳақида шеърлар, кўшиқ ва рақслар ижро этилди.

**Ғолиб БАХРОМОВ,
«Ma'rifat» муҳбири**

«МАЪРИФАТЛИ ЮРТ ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ»

ловдан сўнг шундай хулосага келдимки, ўқитувчи ҳар доим ўз билимини бойитиб бориши, изланиши ва янги педагогикалардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилиши керак экан, — дейди танлов голиби Насиба Ҳайитманова.

**Дилфуза ТОШКЕНБОВА,
«Ma'rifat» муҳбири**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.**



ЭЗГУ МАҚСАДЛАР САРИ

Ортбошимизнинг парламент мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” номи маърузасини телевидение орқали Олтиариқ туманида кўришга, эшитишга тўғри келди. Ота-оналар, устозлар, оддий қишлоқ одамларидан Президентимиз томонидан айtilган гапларга нисбатан содда ва самимий муносабат сўзларини эшитдим. Мамлакатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар, бунёдкорлик, яратувчилик сиёсатидан халқимиз миннатдор. Айниқса, Риштон агроканопат касб-хунар коллежидо бўлганимизда, устоз ва ўқувчилар ҳам ислохотларда шунчаки кузатувчи эмас, балки фаол иштирок этаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Дарҳақиқат, мамлакат аҳли Асосий қонун – Конституциянинг 18 йиллигини нишонлаш арафасида Президентимиз томонидан тақдим қилинган Концепция “Ўзбекистонни ислох этиш ва модернизация қилиш борасида биз қарийб 20 йил олдин бошлаган жараёни давом эттириш бўйича Олий Мажлис томонидан узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлади”. Зеро, Концепцияда демократик ўзгаришларини янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим усутувор вазифалари белгилаб берилди.

Президентимиз ушбу усутувор вазифаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий негизларини илгари сурар экан, Концепцияда ижтимоий турмушимизнинг гоят долзарб масалалари ечими сифатида 16та янги қонун, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат Дастури, 14та амалдаги қонунларни тақомиллаштириш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга алоҳида урғу берилди. Ҳақиқатан ўтган давр мобайнида ҳокимиятлар бўлиниши ва улар ўртасида манфаатлар мувоzanатининг самарали тизимини шакллантириш, бунда марказий ижро ҳокимиятининг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг ҳўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга ва пировардида давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини жиддий камайтиришга асосий эътибор қаратилди. Бошланган ислохотларнинг узвий ва мантйқий давоми сифатида давлат ҳокимиятининг уч субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада муаносиб тақсимланишини таъминлаш учун Президент Конституциянинг 83-моддасида белгиланган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошира бориб, унинг 98-моддаси янги тахририни тақлиф этади. Ушбу модда Конституциянинг “Вазирлар Маҳкамаси” деб номланган 20-бобидан ўрин олган битта модда бўлиб, амалда у 9 қисмдан иборат. Тақлиф этилаётган тахир 16 қисмдан иборат бўлиб, “Ушбу ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, уларга кўра, Бош вазир лавозими га номзод кўрсатиш ва уни тас-

диқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиби ўрнатилмоқда. Шунингдек, Конституцияга киритилаётган бу ўзгаришларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси га Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилмоқда”.

Конституцияга киритилаётган яна бир муҳим ўзгариш унинг 96-моддаси билан боғлиқдир. Унга кўра, “мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайди га ҳолатларда унинг вази фа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига оқлатилади, бунда уч ой муддат ичида, “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида” ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президентини сайлови ўтказилади”.

Таъкидлаш керакки, “сайловларда ютиб чиқан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳуқуқатга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислох этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради”.

Концепциянинг 2-бўлимида суд-ҳуқуқ тизимини соҳасида эришилган ютуқлар ва соҳада амалга оширилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида сўз боради. Жумладан, судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судьяларнинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларга нисбатан интизомий иш юритувни кўзга тиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилди. Соҳада институционал ўзгаришлар юз берди – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида маҳсус ваколатли тузилма – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Процессуал қонунчилик янги институтлар кириб келди – суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилди. Процесс иштирокчилари, хусусан, прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Процессни мумкин қадар соддалаштиришга қадам қўйилди. 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди, “Хабеас корпус” институти жорий этилди, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санк-

ция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судга ўтказилди.

Ахборот соҳаси эркинлигини таъминлаш (Концепциянинг 3-бўлими) хусусида фикр юртар экан, Президентимиз ахборот эркинлигини таъминлаш масдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва гояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокига доир мақсадларга эришиб бўлмаслигини айтиди. Дарҳақиқат, сўнги йилларда мамлакатимизда соҳанинг жиддий ҳуқуқий негизлари яратилди, дейиш мумкин. Айниқса, соҳада монопол мавқега барҳам берилганлиги, нодавлат тузилмаларнинг (телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади) ҳам фаолияти йўлга қўйилганлиги эътиборга молиқдир. Эътиборли жиҳати, “оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда”.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишларни танқидий баҳолар экан, Президент, оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг усутувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, тахририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф этиш билан боғлиқ муаммоли масалаларга ҳам тўхталади. Шу маънода “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида” ги Қонунлар қабул қилиш зарурлиги аёнлашди ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилди.

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга бағишланган Концепциянинг 4-бўлимида эркин сайлов ва ўз хоҳиширодасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда ҳар бир шахсининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этишига эътибор қаратилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, “Халқ де-

путатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида” ги Қонунлар ана шу мақсадни қамраб олганлиги билан аҳамиятлidir. Ўзбекистон Конституциянинг Муқаддимасида белгиланганидек, ҳозирги ва келajak авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирдиларини таъминлашга интилиб, дунё мамлакатлари парламентаризми амалиётида ноёб шакл – Ўзбекистон Экологик ҳаракати га Олий Мажлис куйи палатасидаги 15 ўрин ялпи, умумий сайловлардан холи ажратилди. Бу ҳол ҳаҳон жамоатчилигида “вакилик демократияси” га хос бўлмаган усткурма қабилида ўзига хос резонанс уйғотди. Аммо халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини ҳам тан олган ҳолда юқоридаги гап – биз учун аввало, Ўзбекистон манфаати, яъни давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб... амалга оширади (Конституциянинг 14-моддасидан). Аммо соҳада ечимини қутаётган муаммолар борлиги ва улар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари (“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси га сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида” га) қўшимча ва ўзгаришлар киритиш билан бартараф этилиши билдирилади.

Мамлакатимизда неча йилдирик, децентрализация (номарказлаштириш) жараёни келтирилганлиги, пировард мақсадимиз – кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари бориш эканлигини назарда тутса, ўз-ўзидан гап фуқаролик жамияти институтларига бориб тақалади. Бирмунча қулай ҳуқуқий режим яратилганлиги, ташкилий процедура-ларнинг соддалаштирилганлиги туфайли бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ), 10 мингдан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар фаолият юритаётганлигининг ўзи кўп нарсдан дарак бериб турибди. Улар фаолияти қонуний доирада йўлга қўйилган.

Ортбошимиз фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очик, ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида” ги Қонуннинг қабул қилиш фурсати етган. Ушбу қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун

ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарурлиги ҳақидаги концептуал гоялар илгари сурилди.

Мамлакатимизда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги ҳам нормаланди. Образлироқ қилиб айтганда, кишилар – мулкка яқинлашди, мулк – кишиларга. Мулк, аввало, ер ўз эгасини топди. Мулкдорнинг ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни таъсирруф этиши кишиларни мол-мулкка яқинлаштиришнинг шартини бўлди. Мулкдорлар фаолияти бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари – Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, “Давлат таъсирруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ги қўллаб қонунлар билан тартибга солинди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларини ривожлантиришнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш зарурлигини таъкидлади. Яъни, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоясидир. Шу мақсадда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги оидинлашди.

Давлатимиз бошлиғи томонидан бошқарув тизимини тақомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида” ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тақлифи гоятда долзарбдир. Шунингдек, бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида **оилавий бизнесни ривожлантириш** миллий анъаналаримизга, ҳўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очиқлишига шароит туғдириши кундек равшан.

Бир сўз билан айтганда, Концепцияда илгари сурилган гоялар, фикрлар ҳар бир фуқарони (ижтимоий мавқеа, тили, дини, машғулоти тури, ёшидан қатъи назар) бепарқ қолдирмайди. Ким, қайси соҳада бўлмасин, бу гоя ва тақлифлар ҳар бир фуқарони ўз устида жиддий ишлашга, сергакликка, сиёсий ҳушёр ва тадбирли бўлишга, ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга ундайди.

Миродил БАРАТОВ,
юридик фанлар доктори

Киш кўрки — оппоқ қор шодлигини яширолмай, буралиб-буралиб рақсга тушади. Бу ҳаракатлар муҳташам сахнадаги шўх қизларнинг хиромларига ҳамоҳангдек...

"Sen yolg'iz emassan" Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси ҳамда Токент шаҳар Халқ таълими бош



Reportaj

бошқармаси ҳамкорлигида «3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни» муносабати билан «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида байрам тадбири ташкил этилди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамоллигида инсон қадр-қимматини улуғлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий ҳимоя изчиллик билан амалга оширилмоқда. Айниқса, жисмоний имконияти чекланган ёшларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, фаол ҳаётга жалб қилиш, шунингдек, уларнинг мукамал таълим-тарбия топиши ва иқтидорини намоеён этишлариغا, касб-хунар эгаллашига катта эътибор қаратилган. Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида ўтказилган мазкур тадбир фикримизнинг амалдаги ёрқин ифодаси бўлди, дейиш мумкин.

— Тадбирдан олдин ташкил этилган бадий кўргазмада ўқувчиларимиз каштачилик, бисер тиқиш, кулолчилик ва расм чизиш бўйича ўзларининг ижод намуналарини намойиш этдилар, — дейди Учтепа туман ёшлар маънавий-маърифий ишлар бўйича бўлим бошлиғи Шаҳноза Абдурахмонова. — Бу каби тадбирлар ёшларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини самарали ўтказишга, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга имкон яратиб, ижодкорликка руҳлантиради.

Тадбирда махсус мактаб, мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйлари ва болалар ижодиёт марказларида таълим-тарбия олаётган ўғил-қизлар томонидан ижро этилган кўшиқ ва рақслар йиғилганлар кайфиятига кўтаринкилик бағишлади...

Байрам тугагач, кўчада бир ҳолат эътиборимни тортди: ёғайтган қор парчалари кафтимга тушар-тушмас эриб кетар, ҳатто унинг совуқлигини ҳам ҳис қилмасдим. Хайронман, балки бу қалбимда мавжланган ҳароратдандир...

Дилшод КАРИМОВ,
"Ma'rifat" мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

...Жажки бармоқлари миллий чолғу асбоблари узра майин ва ишонч билан ҳаракат қилаётган ўқувчининг қалбида олам-олам ҳаяжон. Чунки у шу кунгача олган сабоқларини бугун йиғилганларга намойиш қилмоқда. Фарзандининг ҳаяжонига бирдек шерик бўлаётган ота-онанинг кўзларида қувонч. Чунки у ўз дилбандининг илк чиқишларини кўриб, қўллаб-қувватлаш учун келган.

Ўқувчисининг чиқишини синчковлик билан кузатиб турган ўқитувчининг қалбида эса ишонч. Чунки у ўз меҳнатларининг ширин мевасини кўрмоқда...

Бу Яккасарой туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган ҳисобот концертидан олинган таассуротлар эди. Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги

ГўЗАЛ МУСИҚА ДУРДОНАЛАРИ

ҳисобот концертларида ўқувчилар томонидан иштиёқ билан ижро этилмоқда

қарори ижросини таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Тошкент шаҳри бўйича янгидан қурилган мактаблар сирасига кирувчи ушбу маскан ўқувчилари юз-кўзида мамнунлик ва қувонч кўрасиз.

Ҳисобот концертида мактабдаги мавжуд 5та бўлим асосидаги фортепиано, ўзбек халқ чолғулари ва хореография каби йўналишларда таҳсил олаётган болажонлар ўзларининг гўзал чиқишлари, ижод намуналари билан қадрдон масканининг замон талабларига мос, чиройли ва шинам бўлганлигидан миннатдорликларини ҳам ихзор этишди.

— Мактабимиз қурилишига 1 млрд. 400 млн. сўмлик маб-

Milliy dastur — amalda



лаг сарфланди, — деди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Одина Раҳимова.

— Бу ўқув йилидан тасвирий ва амалий санъат, театр, компютер графикаси каби янги йўналишлар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. 258 нафар мусиқага ошно болажонларни ўз бағрига олган масканда 38 нафар педагог таълим бериб келмоқда.

Юксак эътибор ва рағбат инсонни руҳлантириши ва катта-катта ютуқларга эришишга ундашни болажонлар бир неча тадбирлардаги фаол иштироклари билан яна бир бор исботлашди. «Зарб» дуторчилар гуруҳи аъзолари «Янги авлод-2010» болалар ижодиёти фестивалида ўзларининг билим ва маҳоратларини намойиш этиб, лауреат бўлишди. Концертда уларнинг бир-биридан гўзал ижролари барчага кўтаринкилик бахш этди.

Шунингдек, Миробод туманидаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган тадбир ҳам болажонларнинг чинакам санъат байрамига айланиб кетди. Болажонлар фортепиано, торли ва камонли, дамли-зарбли чолғулар, хореография, вокал каби йўналишлар бўйича чиқишлар қилиб, ўз истеъдодларини яна бир бор кўрсатишди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Инсоннинг табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиши, саноат, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши сабабли табиатга етказилган зарар сайёрамизда экологик мувозанатнинг бузилиши, иқлимнинг кескин ўзгариши, турли касалликларнинг юзага келиши, қурғоқчилик, ер сатҳининг чўлланиши каби глобал муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишда ёш авлоднинг экологик билими ва маданиятини юксалтириш, уларда она табиатга меҳр ва ҳурмат туйғуларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Юртимизда таълим-тарбия соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқувчи-ёшларда экологик билим ва кўникмаларни шакллантиришда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика ёшларининг «Bioekosan» ўқув-услубий мажмуаси томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилаётган.

Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини тўғри ва самарали ташкил этиш, мазкур йўналишдаги изланиш ва ташаб-

Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 50-модда)

бусларини қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ушбу мажмуа фаолиятининг асосий йўналишларидандир.

Мажмуа директори Ҳасан Бўриевнинг таъкидлашича, бу ерда тўғрақ машғулотларининг илғор педагогик, ахборот технологиялари асосида, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган «Атрофимиздаги олам», «Табиатшунослик», «Ботаника», «Биология», «Зоология», «География», «Физика», «Кимё», «Информатика асослари», хорижий тиллар каби фанлар билан уйғун ҳолда ўтказилиши ўқувчи-ёшлар билимининг мустаҳкамланиши ва бойишида муҳим омил бўлмоқда. Мажмуанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги юздан ортқ марказларига салкам 87 минг ўқувчи қамраб олинган. Уларда малакали биолог, эколог, географ, физик олимлар, педагоглар, соҳанинг етакчи мутахассислари болаларга сабоқ бермоқда.

Мажмуада ташкил этилган олтмишдан зиёд тўғрақ машғулотларининг ранг-баранглиги болалардаги билим олишга бўлган иштиёқни тобора кучайтирмоқда. Жумладан, «Экология ва саломатлик» тўғрагидаги машғулотлар ўқувчиларда табиат, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантиришга, она табиатнинг ажралмас бўлаги — инсон саломатлигини асраб-авайлаш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

2010-yil — Barkamol avlod yili

«Экоди-зайн» ва «Ландшафт дизайни» тўғраги табиатнинг ҳар бир мўъжизасини пайқаш, ундан баҳра олиш, атроф-оламдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги ўзига хосликни тасвирга туширишга ўргатади. «Ёш богбонлар ва соҳибкорлар» тўғраги мевали дарахатлар экиш, кўчатларни тўғри парваритлаш, улардан мўл ҳосил олиш жараёнини болаларга тушунтиришда муҳим ўрин тугади.

Тўғрақлар машғулотларининг ноанъанавий тарзда ўтказилиши болаларнинг турли ижтимоий, экологик, илмий-маърифий акциялар, кўрик-танловлар, анжуманлар, ижодий тадбир-

ларда муваффақиятли иштирок этишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, мажмуа ўқувчиларидан Маҳид Шомалиевнинг «Ўзбекистонда унаби ўсимлигини иқлимлаштириш» мавзусидаги илмий иши Россияда ўтган ўрмончиликни ривожлантиришга оид халқаро танловда, Саидамин Абдуллаевнинг «Ўқувчилар илмий-тадқиқот лабораториясида зайтун кўчатларини етиштириш» мавзусидаги илмий тадқиқоти республика миқёсида ўтказилган ёш табиатшунослар кўрик-танловда совринли ўринларни эгаллагани бунинг далилидир.

Пойтахтимиздаги Ботаника боғи, ҳайвонот боғи, маданият ва истирохат боғларида ўтказиладиган турли маърифий тадбирлар ўқувчи-ёшларнинг экологик таълимга оид янгиликлардан бохабар бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида анъанавий тарзда «Эколог» оромгоҳининг ташкил этилиши ўқувчиларнинг изланишларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини атрофлича таҳлил этиш имконини бераётган.

Бундай тўғрақлар юртимиздаги кўплаб мактабгача таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйлари, умумий ўрта таълим мактаблари, махсус мактаб-интернатларда йўлга қўйилган. Буларнинг барчаси юртимизда экологик таълим-тарбияни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Махсус ёрдамчи мактабларда меҳнат таълимига бошлангич синфлардан бошлаб киришилади. Чунки, таълимнинг бу тури ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Имконияти чекланган ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш мақсадида меҳнат дарсларида фақатгина тикувчилик, дурадгорлик ва чилангарлик йўналишлари билан чегараланиб қолмай, балки қуйидаги янги йўналишларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ деб топилмоқда: зардўзлик, этик-

Maxsus ta'lim



дан режалаштириб ола билиш, берилган топшириқни чамалаб кўриш, тайёр буюмнинг сифатига баҳо бериш, ўқувчиларда дидни тарбиялаш, майда қўл моторикасини ривожлантиришдек коррекцион вазифалар ҳам муҳим. Меҳнатга ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг ҳиссий-иродавий жиҳатларидаги камчиликларнинг ўрни тўлдириб борилади, шахсий қобилияти ва

гулотлари Бухоро вилоятидаги 26-ёрдамчи мактаб-интернатда, этикдўзлик машғулоти Тошкент шаҳридаги 37-, 57-, 130-ёрдамчи мактабларда, пазандалик машғулоти пойтахтимиздаги 66-, 199-ёрдамчи мактабларда, каштачилик машғулоти Тошкент шаҳридаги 37-ёрдамчи мактабда йўлга қўйилган. Жорий йилнинг май ойида Республика таълим марказида ўтказилган "Ёрдамчи мактабларда меҳнат таълими мазмунини такомиллаштириш

**«КЎЗМУНЧОҚ»НИНГ
ИҚТИДОРЛИ
БОЛАЛАРИ**

Урганч тумани «Оқ ўриклар» маҳалласидаги «Кўзмунчоқ» болалар уюшмаси фаолият юритаётганига ҳали қўп бўлмаса-да, ижобий натижаларга эришилмоқда.

— Ўттиз йил мактабда болаларга таълим бердим. Нафақага чиққач ҳам ишлашга иштиёқим сўнмади. Аввалига невараларимга дарс тайёрлашда кўмак бериб, уларга тикиш-бичишни ўргата бошладим, — дейди гуруҳ раҳбари Роҳатжон Отабекова. — Кейинчалик кўшни қизалоқлар дарсликда тушунмаган саволлари билан мурожаат қилишар, уларни мактабда уюштириладиган турли тадбирларга тайёрла-

**МЕҲНАТ ТУРЛАРИ
КЎПАЙТИРИЛДИ**

**махсус
ёрдамчи мактабларда
жорий қилинган
янгилик**

дўзлик, пазандалик, сартарошлик, нақшошлик, каштачилик, қишлоқ хўжалиги, кичик маиший ходимни тайёрлаш ва ҳоказолар.

Имконияти чекланган ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлашда меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, мактаб жиҳозларини асраб-авайлашга оид бошлангич кўникмаларни шакллантириш, турли материаллар билан ишлаш ва ўсимликларни парвариш қилишга ўргатиш, ижобий ҳислатларни тарбиялаш, техника ва касб-хунар мураккабликлари ҳақида маълумот бериш, санъатга бўлган қизиқувчанликни ошириш ва уларнинг бадиий дидини тарбиялаш, изланувчанлик ва яратувчанлик қобилиятини ошириш, ўз фаолиятида иш якуни тўғри ёки нотўғри бўлганлигини аниқлаб олишга эътиборга қаратилади.

Шунингдек, иш тартибини олдин-

хусусиятлари (кузатувчанлик, интилувчанлик, мустақиллик) ривожлантирилади, фазовий тасавурлари такомиллаштирилади. Билиш фаолиятидаги камчиликлар коррекцияланади, яъни тарбияланувчининг кузатувчанлиги, тасавури, нутқи, таққослаш қобилиятлари шаклланади, жисмоний фаолияти, айниқса, майда қўл моторикасидаги камчиликлар бартараф этилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган меҳнат турлари қуйидаги ёрдамчи мактаб, мактаб-интернатларда жорий қилинмоқда:

Сартарошлик ва зардўзлик машғулоти — Тошкент шаҳридаги 37-, Жиззах вилоятидаги ёрдамчи мактаб, мактаб-интернатларда, қишлоқ хўжалиги машғулоти Қорақалпоғистон Республикаси ва Пискент туманидаги 4-ёрдамчи мактаб-интернатларда, нақшошлик ва ганч ўймакорлиги маш-

ғулоти мавзусидаги амалий-семинар ҳам айнан шу мавзуга бағишланганди.

Меҳнат таълими имконияти чекланган ўқувчиларнинг ҳаётга, меҳнатга, жамиятга бўлган муносабатини шакллантиришда муҳим тарбиявий аҳамият касб этмоқда. Меҳнат фаолиятининг мазмуни, шарт-шароитлари, воситалари ўзгарар экан, боланинг онги, маданияти ҳам такомиллашиб боради. Болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг асосий мақсадларидан бири — бу уларга турли хил меҳнат йўналишлари бўйича бошлангич билим беришдир. Улар мактабда эгаллаган билим ва хунарларини келажакда, мустақил ҳаётда ҳам давом эттиришлари мумкин.

**Сурайё ИМИНХОЖИЕВА,
Республика таълим маркази махсус
таълим бўлими бош методисти**

Izlangan — imkon topar



Балиқчи туманидаги 9-умуртқа погонаси ривожланишида нуқсон бўлган болалар мактаб-интернатида ёшлар ҳам даволаниб, ҳам билим оладилар. Жамоа аъзолари икки вазифани сидқидилдан бажарганликлари боис, ҳозиргача 5 мингдан зиёд бола умуртқа погонаси касаллигидан буткул фориг бўлиб, ўз мактабида таълим олишни давом эттирмоқда. Эътиборлиси, мазкур таълим масканида умумтаълим фанларини ҳам муваффақиятли ўқитишга

тонна ҳосил олинди. Экин майдонлари атрофи, йўлаклар чети, экин унмайдиган жойларда 10 минг тупдан зиёд терак парвариш қилинапти. Шу йилнинг ўзида ҳудудга экилган қарийб 150 туп катта терак кесилиб (5 млн. сўм ҳажмида) мактаб-интернат ўқув биноси томини ёпишга ишлатилди. Яна иккита хайрли ишга қўл урилди. Ташландиқ, эски бино ўрнида лимонарий ташкил қилинди. Ҳажми 3 сотихлик лимон иссиқхонасига баҳорда 100 тупдан

нинг 2010 йилдаги сармоядан ташқари умумий даромади 15 млн. сўмни ташкил этапти. 2009 йили жамоа 7 миллион сўм даромад қилган эди. Теракзор, лимонарий ва балиқчилик туфайли бу йил умумий даромад ҳажми икки баробар ошди. Бу, албатта, мактаб-интернатдаги ҳар бир ходимнинг меҳнати самарасидир.

Даромадга қараб буромад, дейди халқимиз. Мак-

Маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, кутубхонага бадиий китоблар сотиб олиш, маънавият ва маърифат хонасининг моддий-техник базасини янгилаш ишлари олиб борилаётгани эътиборлидир.

Жамоа ўқув-тарбия ишларини ҳам самарали олиб бормоқда. Мактаб-интернатда ўтказилган «Ўқув-тарбия ишларининг аҳволи ва қишки мавсум озиқ-овқат

ҲАРАКАТДА БАРАКА БОР

алоҳида аҳамият қаратилган. Мактаб-интернатда бюджетдан ташқари маблағ топиш бўйича ҳам ўзига хос тажриба тўпланган.

Мактаб-интернат Қорадарё ирмоғи соҳилида жойлашган бўлиб, у қишлоқнинг баҳаво, хушманзара ҳудуди ҳисобланади. Унинг умумий ер майдони 18 гектарни ташкил этади. Муаллимлар ва шифокорлар бу маскан ҳудудининг ҳар қаричидан унумли фойдаланишга интилоқдалар. Дарё ўзани яқинида жойлашганлиги сабабли, ер шולי парваришлар учун жуда қулай. Шу боис, жорий йили 5 гектар ерда экилган шолидан 10

зиёд лимон кўчати экилган эди. Эътибор ва яхши парвариш туфайли лимон кўчалари ҳосилга кирди.

Етти хазинанинг бири бўлган балиқчилик билан шуғулланишни мактаб-интернат директори Абдуғани Хонбўтаев анчадан буён кўнглига тугиб юрарди. Ушбу фикр ташаббусга айланиб, алоҳида ҳовузда сазан балиқлари парваришлана бошланди. Шу йил октябр ойида эса балиқчиликдан 1 млн. 500 минг сўм даромад олинди. Соф фойда эса 1 млн. 200 минг сўмни ташкил этди.

Ҳисоб-китобларга кўра, мактаб-интернат жамоаси-

таб-интернат жамоаси олинган даромадни хайрли ва савобли ишларга сарфляпти.

— Даромадларимиз, энг аввало, фидойи, меҳнатсевар ходимларимизни моддий ва маънавий рағбатлантиришга сарфлянапти, — дейди мактаб-интернат директори Абдуғани Хонбўтаев. — Касаба уюшма кўмитаси аъзоларидан тузилган гуруҳ тавсиясига асосан, нафақага чиқаётган ҳар бир ходимни рағбатлантириш турли байрамлар, ҳашарлар, саёхатлар ташкил этиш йўлга қўйилган. Аълочи ўқувчилар ҳам ҳар чорак якунида рағбатлантириляпти.

захирасини яратиш» мавзусидаги семинар ҳамда таълим муассасаси тажрибаси вилоят миқёсида оммалаштирилиши кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, қишки мавсум учун бу ерда 1 тонна гуруч, 4 тонна пиёз, 4 тонна сабзи, 5 тонна картошка, 600 килограмм дуккакли дон, 3 тонна қовоқ, 1 тонна шолғом, 500 килограмм турп захираси тайёрлаб қўйилган.

Қишнинг изғиринли кунларида ҳам бир хил иссиқликни сақлаш мақсадида 100 тонна кўмир, 37 кубометр қаттиқ ўтин ғамланган. Кўмир белгиланган қатъий қоидалар асосида сақланмоқда.

О.СИДДИҚОВ

**2010-yil —
Barkamol
avlod yili**

шимни сўраб келишарди. Ўқувчилар сони ортган сайин улардаги қизиқишларни ўрганиб бордим. Бирининг расм чизишга, бошқасининг куйлашга, яна бирининг рақс тушишга лаёқати кучли экан. Уларни бир жойга тўплаб гуруҳ тузиш режасини, аввало, неварам Ойдиной қўллаб-қувватлади. Дастлаб фаолиятимизни 8-9 нафар ўғил-қиз билан бошлаган бўлсак, бугун уларнинг сони 18 нафарга етди. Уларнинг аксарияти Урганч туманидаги 2-мактабнинг иқтидорли ўқувчиларидир. Нафақат иқтидорли болалар, балки дарсларни ўзлаштира олмаётган ўқувчилар билан ҳам алоҳида шуғулланыпмиз.

Дарҳақиқат, уюшма аъзолари шеърят, қўшиқчилик, спорт, зардўзлик бўйича ўз иқтидорларини намойиш этишмоқда. Гуруҳ бош ташкилотчиси Ойдиной Абдушарипованинг «Бахт учқун», «Янги тонг қувончи» номли шеърый китоблари нашр этилган. У «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалида ҳам уч йилдан бери иштирок этиб келмоқда. Шу ўринда Мумтозбегим Абдушарипова, Суҳроб Каримов, Шаҳноза Каримова, Нодира Жуманиёзова, Эргаш ҳамда Жавлон Рўзимовлар ҳам туман, вилоят ва республика миқёсидаги кўрик-танловларда фаол иштирок этишади.

«Кўзмунчоқ» 2009 йили Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Болалар фольклор дасталари» республика кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли 3-ўринни қўлга киритди.

Роҳатжон Отабекова ўз хонадонидан иқтидорли, салоҳиятли болаларни тарбиялар экан, келгусида уюшмани янада кенгайтиришни режалаштирган.

**Феруза
ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2011-2012 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Т/р	Дарслик ва ўқув қўлланма номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъминланиш тури
1-синф				
1	Алифбе	Р.Сафарова ва б.	2011	беул
2	Ёзув дафтари	М.Фуломов	2011	беул
3	Она тили	Т.Фафорова ва б.	2011	беул
4	Ўқиш китоби	Т.Фафорова ва б.	2011	беул
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2011	беул
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2011	беул
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2011	беул
8	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2011	беул
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2011	беул
10	Одобнома	Муаллифлар гуруҳи	2011	беул
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	беул
12	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
13	Иқтисод ва солиқ алифбоси	Э.Сариқов ва б.	2008	очиқ савдо
14	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
15	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
2-синф				
1	Она тили	К.Қосимова ва б.	2010	ижара
2	Ўқиш китоби	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
5	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2010	ижара
6	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
7	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара
8	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
10	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007, 2008	кутубхона фонди
11	Иқтисод ва солиқ алифбоси	Э.Сариқов ва б.	2008	очиқ савдо
12	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
3-синф				
1	Она тили	С.Фузаилов ва б.	2010	ижара
2	Ўқиш китоби	М.Умарова ва б.	2010	ижара
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
5	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2010	ижара
6	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2010	ижара
7	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара
8	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
10	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007, 2008	кутубхона фонди
11	Иқтисод ва солиқ алифбоси	Э.Сариқов ва б.	2008	очиқ савдо
12	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
4-синф				
1	Она тили	Р.Икромов ва б.	2011	ижара
2	Ўқиш китоби	С.Матчонов ва б.	2011	ижара
3	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
4	Математика	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
5	Табиатшунослик	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
6	Одобнома	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
7	Мусиқа	О.Иброҳимов	2011	ижара
8	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	ижара
9	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
10	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2011	
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007	кутубхона фонди
12	Иқтисод ва солиқ алифбоси	Э.Сариқов ва б.	2008	очиқ савдо
13	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
5-синф				
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2011	ижара
2	Адабиёт (1-,2-қисм)	С.Аҳмедов ва б.	2011	ижара
3	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара
5	Немис тили "Deutsch"	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара
6	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2011	ижара
7	Тарихдан хикоялар	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
8	Математика	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
9	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	ижара
10	География	П.Фуломов ва б.	2011	ижара
11	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	ижара
12	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара

13	Мусиқа	А.Мансуров ва б.	2011	
14	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2011	
15	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
16	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2011	
17	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
18	Иқтисод ва солиқ сабоқлари	Э.Сариқов ва б.	2008	очиқ савдо
19	Соғлом авлод асослари	Д.Аҳмедова ва б.	2007	кутубхона фонди
6-синф				
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2009	ижара
2	Адабиёт	С.Аҳмедов ва б.	2009	ижара
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
5	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
6	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2009	ижара
7	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2009	ижара
8	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2009	ижара
9	Физика	Н.Турдиев	2009	ижара
10	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2009	ижара
11	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
12	География	А.Соатов ва б.	2009	ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
14	Мусиқа	С.Бегматов ва б.	2008	кутубхона фонди
15	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
16	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
17	Иқтисод ва солиқ сабоқлари	Э.Сариқов ва б.	2008	очиқ савдо
18	Соғлом авлод асослари	Д.Аҳмедова ва б.	2007	кутубхона фонди
7-синф				
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2009	ижара
2	Адабиёт	Қ.Йўлдошев ва б.	2009	ижара
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
5	Немис тили «Assalom, Deutsch»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
6	Француз тили	В.Бухин ва б.	2009	ижара
7	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов	2009	ижара
8	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2009	ижара
9	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2009	ижара
10	Геометрия	А.Аъзамов ва б.	2009	ижара
11	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2009	ижара
12	Кимё	И.Асқаров ва б.	2009	ижара
13	Зоология	О.Мавлонов	2009	ижара
14	География	П.Фуломов ва б.	2009	ижара
15	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
16	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
17	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2008	кутубхона фонди
18	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2007	кутубхона фонди
19	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	кутубхона фонди
20	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	очиқ савдо
21	Иқтисод ва солиқ сабоқлари	Э.Сариқов ва б.	2008	очиқ савдо
22	Соғлом авлод асослари	Г.Солиқова ва б.	2007	кутубхона фонди
8-синф				
1	Она тили	М.Қодиров ва б.	2010	ижара
2	Адабиёт	С.Олимов ва б.	2010	ижара
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
4	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
5	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
6	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З.Абдушукурова ва б.	2010	ижара
7	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
8	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
9	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
10	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
11	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
12	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
13	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
14	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
15	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2011-2012 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ва ўқув кўлланмалар рўйхати

(Давоми. Боши 8-бетда.)

16	География	П. Мусаев ва б.	2010	ижара
17	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2011	ижара
18	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
20	Жисмоний тарбия (7—8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	кутубхона фонди
21	Соғлом авлод асослари	Г.Солиҳова ва б.	2007	кутубхона фонди
22	Солиққа тортиш асослари	Э.Сариқов ва б.	2008	кутубхона фонди
9-синф				
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2010	ижара
2	Адабиёт	Қ.Йўлдошев ва б.	2010	ижара
3	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
4	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
5	Немис тили «Deutsch»	М.Дадахўжаева ва б.	2010	ижара
6	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
7	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
8	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
9	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбаева ва б.	2010	ижара
10	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
11	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
12	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
13	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
14	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
15	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
16	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
17	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А. Қаюмов ва б.	2010	ижара
18	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
20	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	очиқ савдо
21	Соғлом авлод асослари	Г.Солиҳова ва б.	2007	кутубхона фонди
22	Солиққа тортиш асослари	Э.Сариқов ва б.	2008	кутубхона фонди
10-синф				
1	Она тили	Ғ.Абдурахмонов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
2	Адабиёт	Б.Қосимов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
3	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
4	Инглиз тили	Ж.Жалолов	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
5	Немис тили	Б.Зардинова	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
6	Француз тили	В.Бухин ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
7	Ўзбекистон тарихи	Д.Алимова ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
8	Жаҳон тарихи	Г.Ҳидоят	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
9	Ҳуқуқшунослик	В.Костецкий ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
10	Иқтисодиёт ва бизнес асослари	Э.Сариқов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
11	Алгебра ва анализ асослари	Ш.Алимов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
12	Геометрия	А.Погорелов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
13	Физика	М.Шахмаев ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
14	Кимё	Г.Рудзитис ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
15	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	А.Абдуқодиров	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо

16	Умумий биология	Ё.Тўрақулов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
17	Амалий география	А.Рафиқов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
18	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (10—11-с.)	Қ.Назаров ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
19	Жисмоний тарбия (10—11-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
20	Чақириқча ёшларни тайёрлаш (10—11-с.)	Ҳ.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
11-синф				
1	Она тили	Ғ.Абдурахмонов ва б.	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
2	Адабиёт	Н.Каримов ва б.	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
3	Адабиёт (мажмуа)	Н.Каримов ва б.	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
5	Инглиз тили	Ж.Жалолов ва б.	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
6	Немис тили	Б.Зардинова	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
7	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
8	Ўзбекистон тарихи	Н.Жўраев	2006	кутубхона фонди, очиқ савдо
9	Жаҳон тарихи	Г.Ҳидоят	2006	кутубхона фонди, очиқ савдо
10	Ҳуқуқшунослик	В.Костецкий ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
11	Иқтисодиёт ва бизнес асослари	Э.Сариқов ва б.	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
12	Инсон ва жамият	Н.Жўраев ва б.	2006	кутубхона фонди, очиқ савдо
13	Алгебра ва анализ асослари	Ш.Алимов ва б.	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
14	Геометрия	А.Погорелов	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
15	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Б.Болтаев ва б.	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
16	Физика	М.Шахмаев ва б.	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
17	Астрономия	М.Мамадазимов	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
18	Кимё	А.Муфтахов	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
19	Умумий биология	А.Ғофуров ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
20	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (10—11-с.)	Қ.Назаров ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
21	Жисмоний тарбия (10—11-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
22	Чақириқча ёшларни тайёрлаш (10—11-с.)	Ҳ.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
23	Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила	М.Ризамуҳамедова ва б.	2007	кутубхона фонди

Эслатма: 2011-2012 ўқув йилида 10-,11-синфларда ушбу рўйхатдаги дарсликларнинг 2006, 2007, 2008 йилларда очиқ савдога чиқарилганларидан ҳам фойдаланиш тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим рус тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2011-2012 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ва ўқув кўлланмалар рўйхати «Учитель Узбекистана» газетасининг навбатдаги сонидан эълон қилинади.


Таълим қорақалпоқ, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2011-2012 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ва ўқув кўлланмалар рўйхати билан «Ma'rifat» газетасининг навбатдаги сонларида танишишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ



Ректорати

профессор-ўқитувчилари ҳамда кўпмингсонли талабалари жамоаси барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрами билан самимий муборакбод этади!
Сиз азизларга энг яхши тилаklarимизни йўллар эканмиз, Ватанимизда ҳуқуқий демократик давлатчиликни ривожлантириш, фаровон фуқаролик жамиятини янада гуллаб-яшнатиш йўлидаги сермашаққат ишларда омад ва зафарлар тилаймиз!





8 dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilingan kun

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

Айёмингиз муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!

Бахтимиз Қомуси бўлмиш
Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси қабул қилинган
кун барчамиз учун қутлуғ
саналардан биридир.

Сизларни яқинлашиб келаётган
ушбу айём билан қутлар эканмиз,
барчага тинчлик-хотиржамлик,
оилавий бахт тилаймиз!



49-модда.

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан).

ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ!

Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш бўйича тавсия ва баҳолаш мезонлари

(Давоми.
Боши ўтган сонларда.)

КИМЁ

Кимё фанидан олимпиаданинг биринчи босқичи (таълим муассасаси) умумтаълим мактабларининг 7–11-синфларида, иккинчи (туман) ва учинчи босқич (вилоят) 9–11-синфларда, тўртинчи (Республика) босқичи 11-синфларда ўтказилади. Касб-хунар коллежи ва академик лицейларида биринчи босқич 1–3-курсларда, иккинчи, учинчи босқич 2–3-курсларда, тўртинчи босқичи 3-курсларда ўтказилади.

Биринчи, иккинчи, учинчи босқич олимпиада 3 турда (ёзма иш, лаборатория машғулоти, тест синови), тўртинчи босқичи 2 турда (ёзма иш, тест синови) ўтказилади.

Ёзма иш

Олимпиаданинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларида ёзма иш топшириқлари 4та масаладан иборат бўлади.

Масалан:

7-синф

9,8 г. сульфат кислотасидаги модда миқдорини, молекулалар сонини ва кислород атомлари сонини ҳисобланг.

8-синф

Массаси 12,8 г. бўлган туз қиздирилганда массаси 7,2 г. сув, ҳажми 4,48 литр (н.ш.да) азот газини ҳосил

бўлди. Тузнинг моляр массаси 64 га тенг эканлигини ҳисобга олиб, унинг формуласини аниқланг.

9-синф

Таркибида 56,47 фоиз кислород, 16,47 фоиз азот ва 27,06 фоиз бўлган туз формуласини аниқланг. 340 г. шундай туз қиздирилганда н.ш.да ўлчанган қанча ҳажм кислород ҳосил бўлади?

10-синф

Алкен хлор билан реакцияга киришиб 25,4 г. дихлорли бирикмени, алкеннинг яна шунча миқдори бромнинг углерод (IV)-хлоридидаги эритмаси билан реакцияга киришиб, 43,2 г. дибромидли бирикмени ҳосил қилади. Алкеннинг мумкин бўлган барча бирикмаларининг тузилиш формуласини аниқланг.

11-синф

Маълум миқдордаги метални эритиш учун масса улуши 0,2 (20 фоиз) бўлган HCl дан 109,5 г. сарфланди. Натридада масса улуши 0,2442 (24,42 фоиз) бўлган металл хлорид эритмаси ҳосил бўлди. Металлни аниқланг.

Ёзма иш учун 180 дақиқа вақт берилади. Максимал 40 балл.

Олимпиаданинг тўртинчи (Республика) босқичида ёзма иш топшириқлари 5та саволдан иборат бўлиб, ёзма иш учун 180 дақиқа вақт берилади. Максимал 50 балл.

Саволларни қуйида берилган баҳолаш тартибига эътиборни қаратган ҳолда тузиш лозим.

Ёзма иш қуйидаги мезон асосида баҳоланади:

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Ёзма ишни бажаришда ўқувчи томонидан ҳар бир масала шартлари тўлиқ ва аниқ ёзилиб, реакция тенгламалари ва формулалар тўғри ифодаланган, масала энг қулай йўлда мантиқан фикрланиб ечилган, математик ҳисоблашлар тўғри бажарилган, масаланинг мазмуни тўла очиб берилган бўлса	10
2	Масала шартлари тўлиқ ва аниқ ёзилиб, реакция тенгламалари ва формулалар тўғри ифодаланган, масала мураккаб усулда ечилган, математик ҳисоблашлар тўғри бажарилган бўлса	9
3	Юқоридагиларга тўлиқ амал қилинган ҳолда масала ечилган бўлиб, фақатгина масалани ечишдаги кимёвий сўз ибораларида имловий хатоликларга йўл қўйилса	8
4	Юқоридаги кўрсатилганлар билан бирга масала шarti ёзилмай, масала тўғри ечилган бўлса	7
5	Масалани ечишда бирикма ёки элементларнинг 1таси формулаларини хато ифодаласа	6
6	Кўрсатиб ўтилган камчиликлар билан бирга, тегишли тенгламаларни ёзишда коэффициентлар тўғри танланмаса	5
7	Масалага тегишли тенгламаларни ёзишда индексларни хато ифодалаш билан бирга, математик ҳисоблашларда ноаниқлик кузатилса	4
8	Юқоридаги кўрсатиб ўтилган камчиликлар билан бирга масала жавоби хулосаланмаган, ҳисоблар чалқаш, тенгламаларда қўп хатолар мавжуд	3
9	Масала жавоби чиқмаган, юқоридаги хатоларга ҳам йўл қўйилган бўлиб, математик ҳисоблашларда жиддий хато қилган бўлса	2
10	Юқоридаги хатолар билан бирга масала шarti ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмаслиги ифодаланиб, масала ишлаш шarti нотўғри бажарилган бўлса	1
11	Берилган масала умуман ечилмаган бўлса	0

Лаборатория машғулоти

Лаборатория машғулотларининг кимё дастури асосида тайёрланган 3та вариантдан биттаси қуръа ташлаш йўли билан танлаб олинади. Лаборатория ишини бажариш учун 60 дақиқа вақт берилади.

Лаборатория машғулоти қуйидаги мезон асосида баҳоланади:

№	Баҳолаш мезони	Балл
1	Лаборатория ишини бажаришда жиҳоз ва реактивлар тўғри танланиб, иш тўлиқ, кетма-кетликка риоя этилган, техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда бажарилган, тегишли реакция тенгламалари, ҳисоблашлар аниқ ва тўғри ифодаланган бўлса	10

2	Агар ўқувчи лаборатория ишини бажаришда жиҳоз ва реактивларни тўғри танлаб, ишни тўлиқ, кетма-кетликка риоя этилган ҳолда бажариб, техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилса-ю, лекин тегишли реакция тенгламалари, ҳисоблашда имловий хатоликка йўл қўйса	9
3	Ўқувчи лаборатория ишини бажаришда ҳамда реактив ва жиҳозларни тўғри танлаб, ишни бажаришда кетма-кетликка риоя қилиб, техника хавфсизлигига амал қилса, бироқ математик ҳисоблашда 1та жузъий хатога йўл қўйилса	8
4	Юқоридагилар билан бирга ўқувчи ишни бажаришда математик ҳисоблашда 2-3та хатога йўл қўйса	7
5	Юқорида кўрсатилган камчиликлар билан бирга жиҳоз ва моддалар танлашда аниқ ҳаракат қилинмаган бўлса	6
6	Ўқувчи лаборатория ишини бажаришда ҳамма реактив ва жиҳозларни тўғри танлаб, ишни бажаришда кетма-кетликка риоя қилиб, бироқ математик ҳисоблашда 2-3та хатога йўл қўйиб, жиҳоз ва моддалар танлашда аниқ ҳаракат қилинмаган ва техника хавфсизлиги қисман бузилиши сезилса	5
7	Юқоридагилар билан бирга техника хавфсизлиги қоидаларида қўп бузилиш кузатилса	4
8	Лаборатория ишини бажаришда юқоридаги хато, камчиликлар билан бирга, математик ҳисоблашларда жиддий хатога йўл қўйилса	3
9	Лаборатория ишини бажаришда моддалар, жиҳозлар тўғри танланган, ишни бажариш кетма-кетликка риоя этилмаган, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаган	2
10	Ўқувчи фақатгина керакли жиҳозларнинг 1 ёки 2тасини тўғри танлаган ва юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлар билан бирга иш тўлиқ бажарилмаган	1
11	Ўқувчи лаборатория ишини умуман бажармаса	0

Лаборатория ишини бажаришда техника хавфсизлигига риоя қилинмаса 2 балл пасайтирилади.

Тест топшириқлари

Биринчи (таълим муассасаси), иккинчи (туман) босқичларда ўқувчиларига 25тадан тест (18та тестнинг жавоби белгиланади, 7та тестнинг жавоби ёзилади) топшириқлари берилади.

Тест топшириқлари учун 75 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл, нотўғри жавоблар 0 балл билан баҳоланиб, жами 50 баллни ташкил этади.

3-(вилоят) босқичда 40та (30та жавоби танланадиган тест ва 10та жавоби ёзиладиган тестлар), 4-босқич (Республика) олимпиадасида эса ўқувчиларга 40та тест топшириғи берилди. Тест топшириқларини бажаришга 2 соат вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 бални ташкил этади.

Масалан:

7-синф

1. Жавоби танланадиган тест.

Зичлиги 2,86 г/л бўлган газнинг моляр массасини аниқланг.
А) 64 г В) 31 г С) 74 г Д) 54 (А)

2. Жавоби ёзиладиган тест.

Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» асарига содда ва мураккаб дориларни таърифлаб, ҳар қандай доривор восита маълум..... бўлишини изоҳлаш орқали..... ҳақидаги дастлабки тушунчаларни баён этган (маълум таркибли, таркибининг доимийлиги).

8-синф

1. Жавоби танланадиган тест. Элементларнинг қайси қатори атом радиуси ортиши тартибида келтирилган?
А) O, S, Se, Te В) C, N, O, F
С) Na, Mg, Al, Si Д) J, Br, Cl, F

2. Жавоби ёзиладиган тест.
Д.И.Менделеев даврий жадвалидаги _____ элементи тош деган маънони англатади.
(литий)

9-синф

1. Жавоби танланадиган тест.

Темир (III)-оксиддаги темирнинг (фоизлардаги) масса улуши миқдори қандай?
А) 40,0 В) 55,8 С) 68,4 Д) 70,0

2. Жавоби ёзиладиган тест.

Даврий қонун кашф этилгандан кейин кимёвий элементлар жадвалида _____ элементларнинг табиий оилалари пайдо бўлган.

(Инерт газлар, лантаноидлар, актиноидлар)

10-синф

1. Жавоби танланадиган тест.

Бир хил ҳажмдаги А ва Б суюқликлар бир хил температура ва босимда очик идишларга солинган. А суюқлик Б суюқликка нисбатан тезроқ бугланади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки А суюқликнинг:

А) зичлиги катта В) массаси катта
С) қайнаш температураси юқори
Д) буғ босими катта

2. Жавоби ёзиладиган тест.

Масса улуши 6 фоиз бўлган натрий гидроксид эритмасини тайёрлаш учун масса улуши 30 фоиз бўлган 200 г. натрий гидроксид эритмасига масса (г.) ҳисобида сув қўшиш зарур.
(800 г.)

11-синф

1. Жавоби танланадиган тест.

Калий ва натрий нитратлар аралашмасидан 72,8 г. миқдори қиздирилганда 8,96 л. газ (н.ш.да) ҳосил бўлган. Аралашмадаги калийли тузнинг масса улушини (фоиз) топинг.
А) 38,2 В) 34,6 С) 41,6 Д) 45,5

2. Жавоби ёзиладиган тест.

Мис симдан қилинган боғлам олтингугурт буғидаҳосил қилиб ёнади. (Мис (I) сульфиди)
Барча тур бўйича умумий кўрсаткич 100 бални ташкил этади.

(Давоми 12-бетда.)

Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш бўйича тавсия ва баҳолаш мезонлари

(Давоми.
Боши 11-бетда.)

ГЕОГРАФИЯ

География фанидан олимпиада-нинг биринчи босқичи (таълим муассасаси) умумтаълим мактабларининг 6—11-синфларида, иккинчи (туман) ва учинчи босқич (вилоят) 9—11-синфларда, тўртинчи (Республика) босқичи 11-синфларда ўтказилади. Касб-хунар коллежи ва академик лицейларида биринчи босқич 1—3-курсларда, иккинчи, учинчи босқич 2—3-курсларда, тўртинчи босқичи 3-курсларда ўтказилади.

Биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи (Республика) босқичда олимпиада 2 турда (ёзма иш, тест синови) ўтказилади.

Ёзма иш

Биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи (Республика) босқичда 5

қаратган ҳолда тузиш лозим.
Масалан:

6-синф

Январь ойининг ўртача ҳарорати -6°C , июль ойидаги ўртача ҳарорат $+20^{\circ}\text{C}$ бўлса, бир йиллик ҳаво ҳароратининг амплитудаси неча градусга тенг бўлади?

7-синф

Саёҳатчи А нуқтадан йўлни бошлаб, В нуқтага томон 180° азимут билан 600 м., сўнг С нуқта томон 90° билан 800 м., сўнг D нуқта томон 315° билан 400 м. юрди. 1:50 000 масштаб асосида саёҳатчи юрган йўлни чизмада тасвирланг.

8-синф

8 кг. қўнғир кўмир неча шартли ёқилгига тенг иссиқлик беради? Ҳисоблаб чиқаринг.

9-синф

Дунёдаги федератив маъмурий-худудий тузилишдаги мамлакатларни жадвалда акс эттиринг.

T/p	Европа	Осиё	Африка	Америка	Австралия ва Океания
-----	--------	------	--------	---------	----------------------

10-синф

Агар Ер юзида ўртача ҳарорат $3-4^{\circ}\text{C}$ га кўтарилса, қандай иқлимий ўзгаришлар бўлиши мумкин?

11-синф

Бухоро — Навоий ва Самарқанд иқтисодий районларининг кимё саноатига қиёсий тавсиф беринг.

тадан топшириқлар берилади. Топшириқни бажариш учун 2 соат (120 дақиқа) вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри ечилган топшириқлар 10 балл билан баҳоланади, жами 50 баллни ташкил этади.

Саволларни қуйида берилган баҳолаш мезонига эътиборни.

Ёзма иш қуйидаги мезон асосида баҳоланади:

T/p	Баҳолаш мезони	Балл
1	Ўқувчи томонидан ҳар бир топшириқ хатосиз, мантиқан тўғри ифодаланган, географик атамаларнинг луғавий маъносини очиб беришда, маълумотлар асосида жадвал ва диаграммалар тузишда, ёзувсиз хариталар билан ишлашда илмий хатоликлар ва чалкашликларга йўл қўйилмаган ҳолда бажарилган бўлса	10
2	Ўқувчи томонидан топшириқларни бажаришда илмий хатоликларга йўл қўйилмаган, географик атамаларнинг луғавий маъносини очиб беришда, маълумотлар асосида жадвал ва диаграммалар тузишда қисман хатоликларга йўл қўйилган бўлса	9
3	Ўқувчи томонидан топшириқларни бажаришда илмий хатоликларга йўл қўйилмаган, географик атамаларнинг луғавий маъносини очиб беришда, маълумотлар асосида жадвал ва диаграммалар тузишда, қисман хатоликларга, ёзувсиз хариталар билан ишлашда айрим чалкашликларга йўл қўйилган бўлса	8
4	Ўқувчи томонидан топшириқларни бажаришда илмий хатоликларга йўл қўйилмаган, географик атамаларнинг луғавий маъносини очиб беришда, маълумотлар асосида жадвал ва диаграммалар тузишда ёзувсиз хариталар билан ишлашда кўплаб чалкашликларга йўл қўйилиб, топшириқлар таҳлил қилинмаган ва манتيкий фикрлар тўла баён этилмаган бўлса	7
5	Ўқувчи томонидан топшириқларни бажаришда илмий хатоликларга йўл қўйилган, географик атамаларнинг луғавий маъносини очиб беришда, маълумотлар асосида жадвал ва диаграммалар тузишда, қисман хатоликларга, ёзувсиз хариталар билан ишлашда чалкашликларга йўл қўйилиб, топшириқлар таҳлил қилинмаган ва манتيкий фикрлар тўла баён этилмаган бўлса	6
6	Ўқувчи томонидан топшириқларни бажаришда илмий хатоликларга йўл қўйилган, географик атамаларнинг луғавий маъносини очиб беришда, маълумотлар асосида жадвал ва диаграммалар тузишда кўплаб хатоликларга, ёзувсиз хариталар билан ишлашда чалкашликларга йўл қўйилиб, топшириқлар таҳлил қилинмаган ва манتيкий фикрлар тўла баён этилмаган бўлса	5

7	Ўқувчи томонидан топшириқларни бажаришда илмий хатоликларга йўл қўйилган, географик атамаларнинг луғавий маъносини очиб беришда, маълумотлар асосида жадвал ва диаграммалар тузишда, қисман билиб, топшириқлар таҳлил қилинмаган ва мантикий фикрлар тўла баён этилмаган бўлса	4
8	Ўқувчи томонидан топшириқларни бажаришда илмий хатоликларга йўл қўйилган, географик атамаларнинг луғавий маъноси очиб берилмаган, маълумотлар асосида жадвал ва диаграммалар тузишда хатоликларга ва ёзувсиз хариталар билан ишлашни йўлга қўя олмаган бўлса	3
9	Ўқувчи томонидан географик атамаларнинг луғавий маъноси очиб берилмаган, маълумотлар асосида жадвал ва диаграммалар тузишда кўплаб хатоликларга йўл қўйилган ва ёзувсиз хариталар билан ишлашни билмас	2
10	Ўқувчи томонидан географик атамалар ёзилган, аммо уларнинг луғавий маъносини очиб бера олмаган, ёзувсиз хариталар билан ишлашни мутлақо билмас	1
11	Умуман ҳеч қандай иш бажарилмаган бўлса	0

Тест топшириқлари

Биринчи (таълим муассаса), иккинчи (туман) босқичларда ўқувчиларга 25тадан тест (18та тестнинг жавоби белгиланади, 7та тестнинг жавоби ёзилади) топшириқлари берилади.

Тест топшириқлари учун 75 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл, нотўғри жавоблар 0 балл билан баҳоланиб, жами 50 баллни ташкил этади.

3- (вилоят) босқичда 40та (30та жавоби танланадиган тест ва 10та жавоби ёзиладиган тестлар), 4-босқич (Республика) олимпиадасида эса ўқувчиларга 40та тест топшириғи берилади. Тест топшириқларини бажаришга 120 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 баллни ташкил этади. Намуна:

6-синф

1. Жавоби танланадиган тест. Ёнбағир қиялиги қандай белги билан кўрсатилади?

А. Бергштрих В. Горизонталлар С. Нуқталар D. Рақамлар
2. Жавоби ёзиладиган тест. «Кенглик» ва «узунлик» тушунчаларини биринчи ким фанга киритган?

7-синф

1. Жавоби танланадиган тест. Ўрта Осиёдаги энг катта музлик қайси тоғда жойлашган?

А. Зарафшон тизмасида В. Олой тизмасида С. Помир тизмасида D. Туркистон тизмасида
2. Жавоби ёзиладиган тест. Қайси сайёҳ олим ўз асарларида Фарғона водийси, Афғонистон, Ҳиндистон табиати ҳақида кўплаб маълумотлар тўплаган?

8-синф

1. Жавоби танланадиган тест. Оҳангарон водийси қайси тоғ тизмалари оралиғида жойлашган?
А. Чотқол — Курама В. Угам — Пском

С. Чимён — Чотқол
D. Катта Чимён — Кичик Чимён

2. Жавоби ёзиладиган тест. Масштаби 1:100 000 000 см. бўлган харитада Тошкент ва Шанхай шаҳарлари орасидаги масофа 6 см. га тенг бўлса, шаҳарлар орасидаги ҳақиқий масофа қанчага тенг бўлади?

9-синф

1. Жавоби танланадиган тест. Евроосиёда машҳур бўлган Ўзбекистондаги энг катта олтин конини аниқланг.
А. Чодак В. Маржонбулоқ С. Зармитан D. Мурунтов

2. Жавоби ёзиладиган тест. Ўзбекистон МДХ давлатлари ичида газ қазиб чиқариш бўйича нечанчи ўринда туради?

10-синф

1. Жавоби танланадиган тест. "Мамлакатларнинг алифбо тартибида рўйхати" асари ким томонидан ёзилган?
А. Абу Райҳон Беруний В. Мусо ал-Хоразмий С. Ёқут ибн Абдулла D. Ҳасан Али Масъудий

2. Жавоби ёзиладиган тест. Ҳинд океанининг энг чуқур жойи қандай аталади?

11-синф

1. Жавоби танланадиган тест. 1. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг энг қадимги турини белгиланг.
А. Халқаро туризм В. Молия-кредит алоқалари С. Илмий-техника алоқалари D. Халқаро савдо

2. Жавоби ёзиладиган тест. Атроф-муҳитда оғир металллар микдорининг ортиб кетиши қандай касалликларни келтириб чиқаради?

Барча тур бўйича умумий кўрсаткич 100 баллни ташкил этади.

(Давоми 13-бетда.)

Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш бўйича тавсия ва баҳолаш мезонлари

**ИНФОРМАТИКА
ВА ҲИСОБЛАШ
ТЕХНИКАСИ
АСОСЛАРИ**

Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанидан олимпиаданинг биринчи босқичи(таълим муассасаси) умумтаълим мактабларининг 6—11-синфларида, иккинчи(туман) ва учинчи босқич (вилоят) 9—11-синфларда, тўртинчи (Республика) босқичи 11-синфларда ўтказилади. Касб-хунар коллежи ва академик лицейларида биринчи босқич 1—3-курсларда, иккинчи, учинчи босқич 2—3-курсларда, тўртинчи босқичи 3-курсларда ўтказилади. Олимпиаданинг барча босқичи 2 турда (амалий, тест синовлари) ўтказилади.

Амалий иш

Олимпиаданинг барча босқичларида биринчи тур амалий иш бўлиб, унда 5та масала тақдим этилади. Амалий тур учун 4 соат (240 дақиқа) вақт берилади ва ҳар бир масала 10 балл билан баҳоланади. 6—8-синфга тақдим этиладиган амалий топшириқлар асосан график, матн муҳарририда бажарилиши инobatга оли-

ниши ва компьютерда амалга оширилиши зарур. 9—11-синф(1—3-курс)ларга тақдим этиладиган масалага дастур тузиш ўқувчи томонидан ихтиёрий дастурлаш тили

ёрдамида компьютерда амалга оширилади. Масалага тузилган дастур компьютерда текширилади ва куйидаги баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади:

Баҳолаш мезонлари	Балл
Топшириқ шартига тўлиқ жавоб берувчи, хатолардан бутунлай холи бўлган, фақат тўғри натижалар чиқарувчи ва интерфейси чиройли ташкил этилган дастурга	10
Топшириқ шартига тўлиқ жавоб берувчи, хатолардан бутунлай холи бўлган, фақат тўғри натижалар чиқарувчи дастурга	9
Масала шартига жавоб берувчи, айрим хатолардан холи бўлмаган, тўғри натижалар чиқарувчи ва интерфейси чиройли ташкил этилган дастурга	8
Масала шартига жавоб берувчи, айрим хатолардан холи бўлмаган, тўғри натижалар чиқарувчи дастурга	7
Масала шартига қисман жавоб берувчи, хатолардан холи бўлмаган, айрим тўғри натижалар чиқарувчи ва интерфейси чиройли ташкил этилган дастурга	6
Масала шартига қисман жавоб берувчи, хатолардан холи бўлмаган, айрим тўғри натижалар чиқарувчи дастурга	5
Масала шартига фақат битта хусусий ҳолдагина жавоб берувчи, хатолардан холи бўлмаган, жуда бўлмаганда битта тўғри натижа берувчи ва интерфейси чиройли ташкил этилган дастурга	4
Масала шартига фақат битта хусусий ҳолдагина жавоб берувчи, хатолардан холи бўлмаган, жуда бўлмаганда битта тўғри натижа берувчи дастурга	3

Масалани ечишга ҳаракат қилинган, лекин битта ҳам тўғри натижа бермаган ва интерфейси чиройли ташкил этилган дастурга	2
Масалани ечишга ҳаракат қилинган, лекин битта ҳам тўғри натижа бермаган, тугатилмаган дастурга	1
Масалани бутунлай ечмаган қатнашчи ёки бошқа масаланинг ечимини ифодаловчи дастурга	0

Масала шартлари бажарилишини, яъни масала ечимларини компьютерда тестлар ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин. Тестлар масала шартига мос берилиши шарт.

Амалий иш учун максимал 50 балл тўпланади.

Тест топшириқлари

Олимпиаданинг биринчи босқичида 6-, 7—8-синфлар учун 25та тест топшириқлари (17та жавоби танланадиган тест, 8та жавоби ёзиладиган тестлар) берилади. Тест топшириқларини бажариш учун 75 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри жавоб 2 балл билан баҳоланади.

9—11-синф (академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 2—3-курс) ўқувчилари олимпиаданинг биринчи, иккинчи босқичида 25та (17та жавоби танланадиган тест ва 8та жавоби ёзиладиган тест-

лар берилади) тест топширини бажарилган. Тест топшириқларини бажаришга 75 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 2 балдан, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 бални ташкил этади.

Учинчи (вилоят) босқичида 40та (30та жавоби танланадиган тест ва 10та жавоби ёзиладиган тестлар), тўртинчи босқич (Республика) олимпиадасида эса ўқувчиларга 40та тест топшириғи берилади. Тест топшириқларини бажаришга 2 соат вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 бални ташкил этади.

Барча босқичларда умумий кўрсаткич 100 бални ташкил қилади.

ЧИЗМАЧИЛИК

Чизмачилик фанидан олимпиаданинг биринчи босқичи(таълим муассасаси), иккинчи(туман) ва учинчи босқич (вилоят) умумтаълим мактабларининг 9—11-синфларида, тўртинчи (Республика) босқичи 11-синфларда ўтказилади. Касб-хунар коллежи ва академик лицейларида биринчи босқич 1—3-курсларда, иккинчи, учинчи босқич 2—3-курсларда, тўртинчи босқичи 3-курсларда ўтказилади. Олимпиаданинг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи босқичлари 2 турда (график амалий иш, тест синовлари) ўтказилади.

Олимпиаданинг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи босқичлари 2 турда (график амалий иш, тест синовлари) ўтказилади.

График амалий иш бажариш

Олимпиаданинг биринчи (таълим муассасаси), иккинчи (туман) ва учинчи (вилоят), тўртинчи (Республика) босқичларида график амалий иш бажариш топшириқлари 3та вариантдан иборат бўлади. Бу топшириқда буюмининг берилган иккита кўринишига биноан етишмовчи проекцияси аниқланади, зарурий қирқим ва кесим бажарилади. Аксонометрик проекцияси қурилади ва керакли қирқимлар бажарилади. Чизмада шартлилик ва соддалаштиришлардан унумли фойдаланилади.

График амалий иш бажариш учун 180 дақиқа вақт ажратилади. Унда 1та топшириқ берилади.

График (амалий) ишни баҳолаш мезони куйидагича:

График саводхонлик	Балл
Чизмани қоғоз кўламида тўғри жойлаштириш	
Буюм кўринишларининг қоғоз кўламида тўғри жойлаштирилганлиги	1
Буюм чизмасида қоғоз кўламига мос масштабнинг тўғри танланганлиги	1
Аксонометрик проекциянинг қоғоз кўламида тўғри жойлаштирилганлиги	1
Чизмада чизиқ турларининг тўғри қўлланилганлиги	
Асосий йўғон туташ чизиқнинг тўғри қўлланилганлиги	1
Ингичка туташ чизиқдан унумли фойдаланилганлиги	1
Штрих-пунктир чизиқнинг тўғри қўлланилганлиги	1
Стандарт талабига тўла мослиги	1
Чизмада ўлчамларнинг тўғри қўйилганлиги	
Ўлчам чиқариш чизиқларининг тўғри бажарилганлиги	1
Ўлчам чизиқларининг тўғри бажарилганлиги	1
Ўлчам чизиқларидаги кўрсаткич(стрелка)ларнинг тўғри қурилганлиги	1
Ўлчам қуйидаги шартлилик ва белгилардан тўғри фойдаланилганлиги	1
Чизмада ўлчамларнинг тўлиқ қўйилганлиги	1
Стандарт талабига тўла мослиги	1
Икки проекциянинг тўғри кўчирилганлиги	
Берилган икки проекциянинг тўғри кўчирилганлиги	1
Берилган икки кўринишнинг ўзаро проекцион боғлиқлиги	1
Буюм чизмасининг берилган ўлчамларга мослиги	1
Етишмовчи проекциянинг тўғри бажарилганлиги	
Етишмовчи проекция тўғри жойлаштирилган	1
Бажарилган учинчи кўринишнинг берилган икки кўриниш билан ўзаро проекцион боғлиқлиги	1
Етишмовчи проекция контурининг тўғри аниқланганлиги	1
Етишмовчи проекциянинг тўғри қурилганлиги	1
Бажарилган учинчи кўринишда ўлчамларнинг тўғри қўйилганлиги	1
Комплекс чизмадаги барча ўлчамларнинг стандарт талабига тўла мос келиши	1
Чизмада кесим ва қирқим тўғри бажарилганлиги	

Кесим ёки қирқим бажариш лозим бўлган кўринишнинг тўғри аниқланганлиги	1
Кесувчи текисликнинг тўғри танланганлиги	1
Кесим юзасининг тўғри аниқланганлиги	1
Қирқимнинг тўғри бажарилганлиги	1
Кесим юзасининг тўғри штрихланганлиги	1
Чизмада шартлилик ва соддалаштиришлардан фойдаланилганлиги	
Буюм чизмасида шартлилик ва соддалаштиришлардан фойдаланишга зарурат бор ёки йўқлигини тўғри англаганлиги (билганлиги)	1
Шартлиликлардан тўғри фойдаланганлиги	1
Стандарт талабларига мослиги	1
Аксонометрик проекциянинг ўқлар тизимида тўғри қурилганлиги	
Аксонометрик проекция турининг тўғри танланганлиги	1
Аксонометрик проекция ўқларининг тўғри қурилганлиги	1
Аксонометрик тасвирнинг ўқлар тизимида бажарилганлиги	1
Аксонометрик проекциянинг кўринишларга нисбатан мослиги ва бир-бирига айнанлиги	1
Аксонометрик проекция ва кўринишлардаги ўлчамларнинг мослиги	1
Аксонометрик проекция турининг ёзиб қўйилганлиги	1
Аксонометрик проекциянинг тўғри бажарилганлиги	
Аксонометрик проекциянинг берилган ўлчамларга мослиги	1
Аксонометрик проекцияда ясовчи чизиқлардан тўғри фойдаланилганлиги	1
Аксонометрик проекцияни қуришда x, y, z ўқларидан тўғри фойдаланганлиги	1
Аксонометрик проекцияда кўринарли контурларнинг тўғри бажарилганлиги	1
Аксонометрик проекцияда овал ясаш қоидаларига риоя қилинганлиги	1
Аксонометрик проекциянинг тўғри қурилганлиги	1
Аксонометрик проекцияда қирқим тўғри бажарилганлиги	
Ясовчи ёрдамчи чизиқлардан тўғри фойдаланганлиги	1
Кесувчи текисликларнинг тўғри танланганлиги	1
Қирқим бажаришда ўқлар тизимидан тўғри фойдаланилганлиги	1
Қирқимдаги кесим юзаси контурининг тўғри аниқланганлиги	1
Қирқимдаги кесим юзаларининг тўғри штрихланганлиги	1
Аксонометрик проекциянинг тўғри ва тўлиқ яқунланганлиги	1
Чизманинг тозаллиги	
Чизма бажариш жараёнида қоғоз юзасининг тозаллигини сақлаганлиги	1
Чизма бажарилган юзанинг тозаллиги	1
	50

График амалий иш учун жами — 50 балл

Тест топшириқлари

Биринчи (таълим муассасаси), иккинчи (туман) босқичларда ўқувчиларга 25тадан тест (18та тестнинг жавоби белгиланади, 7та тестнинг жавоби ёзилади) топшириқлари берилади.

Тест топшириқлари учун 75 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл, нотўғри жавоблар 0 балл билан баҳоланиб, жами 50 баллни ташкил этади.

Учинчи (вилоят) босқичида 40та (30та жавоби танланадиган тест ва 10та жавоби ёзиладиган тестлар), тўртинчи босқич (Республика) олимпиадасида эса ўқувчиларга 40та тест топшириғи берилади. Тест топшириқларини бажаришга 120 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 бални ташкил этади.

Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш бўйича тавсия ва баҳолаш мезонлари

ХОРИЖИЙ (НЕМИС, ФРАНЦУЗ, ИНГЛИЗ) ТИЛЛАР

Хорижий (немис, француз, инглиз) тиллар фанидан олимпиаданинг биринчи босқичи(таълим муассасаси) умумтаълим мактабларининг 6—11-синфларида, иккинчи(туман) ва учинчи босқич (вилоят) 9—11-синфларда, тўртинчи (Республика) босқичи 11-синфларда ўтказилади. Касб-хунар коллежи ва академик лицейларида биринчи босқич 1—3-курсларда, иккинчи, учинчи босқич 2—3-курсларда, тўртинчи босқичи 3 курсларда ўтказилади. Олимпиаданинг биринчи, иккинчи босқичи 3-турда (ёзма иш, тест синовлари, оғзаки), учинчи ва тўртинчи босқичи 2 турда (ёзма иш, тест синовлари) ўтказилади. Олимпиада синовларини қуйидаги тартибда ўтказиш тавсия этилади.

Ёзма иш

6—8-синфлар.

Биринчи босқичда (6—8-синфлар) диктант ёзадилар. Диктант иш учун 1 соат (60 дақиқа) вақт ажратилади.

Ҳар бир конвертда 1тадан мавзу тақдим этилади. Ўқувчилар қуръа ташлаш йўли билан битта мавзунини танлаб оладилар ва танлаган мавзу бўйича диктант ёзадилар. Мазкур турда энг юқори кўрсаткич 40 балли ташкил этади. Ўқувчилар томонидан ёзиладиган диктантнинг минимал ҳажми қуйидагича, яъни:

6-синфда — 100 сўз; 7-синфда — 150 сўз; 8-синфда — 200 сўздан кам бўлмаслиги кўзда тутилади.

9—11-синф(2—3-курс)ларда биринчи (таълим муассасаси) ва иккинчи (туман), учинчи (вилоят) ва тўртинчи (Республика) босқичларда ўқувчилар ишро ёзадилар.

Мазкур турда ўқувчининг ёзма нутқ қобилияти, мустақил фикрлаши ҳамда саводхонлик даражаси синовдан ўтказилади. Иншо ёзиш учун 2 соат (120 дақиқа) вақт ажратилади.

Ёзма (диктант) ишлар қуйидаги мезон асосида баҳоланади.

Имловий хатолар	Балл
Диктантда имловий ёки тиниш белгиларида хатога йўл қўймаган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	40
Диктантда имловий ёки тиниш белгиларида хатога йўл қўймаган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлмаса	39
Диктантда жами 1та тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса.	38
Диктантда жами 1та тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлмаса	37
Диктантда жами 1та имловий хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	36
Диктантда жами 1та имловий хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлмаса	35
Диктантда жами 1та имловий ва 1та тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	34
Диктантда жами 1та имловий ва 1 та тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлмаса	33
Диктантда жами 2та имловий ёки 1 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	32
Диктантда жами 2та имловий ёки 2 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	31
Диктантда жами 2та имловий ёки 1 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлмаса	30
Диктантда жами 2та имловий ёки 2 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлмаса	29
Диктантда жами 3та имловий ёки 1 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	28
Диктантда жами 3та имловий ёки 2 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	27
Диктантда жами 3та имловий ёки 3 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	26
Диктантда жами 4та имловий ёки 1 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	25
Диктантда жами 4та имловий ёки 2 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	24
Диктантда жами 4та имловий ёки 3 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	23
Диктантда жами 4та имловий ёки 4 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	22
Диктантда жами 5та имловий ёки 1 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	21
Диктантда жами 5та имловий ёки 2 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	20
Диктантда жами 5та имловий ёки 3 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	19
Диктантда жами 5та имловий ёки 4 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	18
Диктантда жами 6та имловий ёки 1 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	17
Диктантда жами 6та имловий ёки 2 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	16
Диктантда жами 6та имловий ёки 3 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	15
Диктантда жами 6та имловий ёки 4 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	14
Диктантда жами 7та имловий ёки 1 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	13
Диктантда жами 7та имловий ёки 2 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	12
Диктантда жами 7та имловий ёки 2 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	11
Диктантда жами 7та имловий ёки 4 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	10
Диктантда жами 8та имловий ёки 2 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	9

Диктантда жами 8та имловий ёки 4 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	8
Диктантда жами 9та имловий ёки 2 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	7
Диктантда жами 9та имловий ёки 3 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	6
Диктантда жами 10та имловий ёки 1 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	5
Диктантда жами 10та имловий ёки 2 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	4
Диктантда жами 10та имловий ёки 3 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	3
Диктантда жами 10та имловий ёки 4 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	2
Диктантда жами 10та имловий ёки 5 тиниш белгиларида хатога йўл қўйилган бўлса. Ўқувчининг ҳуснихати чиройли ва тушунарли бўлса	1

Ёзма иш қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

т-р	Мазмуни	1-,2-босқич баҳолаш баллари	3-,4-босқич баҳолаш баллари
1	Режа ижодий, изчил, мавзуга мос тузилган бўлса ва матн мазмунини ўзида тўла-тўқис равишда намоён қилиб турса	2	3
2	Мавзуга мос келадиган муқаддима сўз (эпиграф) тўғри танланган бўлса	1	1
3	Мавзу тўғри, тўлиқ ва батафсил ёритилган бўлса — 2-3 балл; бадий матн яратиш қонун-қоидаларига монанд бўлса — 2-3 балл; мустақил ижодий фикрлаб ёзилган бўлса — 2-3 балл; фикрлари ёрқин, асосли бўлса — 2 балл; мавзу мазмуни адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда ёритилса — 2 бўлса	10	13
4	Мавзуга мос цитата(кўчирма)ларни тўғри танласа	1	1
5.	Режа бандлари мазмуни ёритилган бўлса	1	2
6.	Матнда миллий ва умуминсоний қадриятлардан (ҳикматли сўз, мақол ва ва ҳ.) ўринли фойдаланган бўлса	1	1
7.	Матн мавзу бўйича умумий хулосаланган бўлса	1	1
8.	Мавзу мазмуни ҳозирги давр билан боғланган бўлса	2	2
9.	Иншо ҳуснихат билан ёзилган бўлса	1	1
Жами:		20	25

т-р	Саводхонлиги	1-,2-босқич баллари	3-,4-босқич баллари
1	Иншоода ҳеч қандай грамматик хато бўлмаса	20	25
2	1та имло, 1та ишора хатоси бўлса	19	24
3	1та кўпол бўлмаган услубий, 1та имло, 1та ишора хатоси бўлса	18	23
4	1та кўпол бўлмаган услубий, 2та имло, 2та ишора хатоси бўлса	17	22
5	2та кўпол бўлмаган услубий, 3та имло, 3та ишора хатоси бўлса	16	21
6	2та услубий, 4та имло, 4та ишора хатоси бўлса	15	20
7	3та кўпол бўлмаган услубий, 5та имло, 5та ишора хатоси бўлса	14	19
8	3 услубий, 5та имло, 5та ишора хатоси бўлса	13	18
9	4та услубий, 6та имло, 6та ишора хатоси бўлса	12	17
10	5та услубий, 7та имло, 7та ишора хатоси бўлса	11	16
11	6та услубий, 8та имло, 8та ишора хатоси бўлса	10	15
12	7та услубий, 9та имло, 9та ишора хатоси бўлса	9	14
13	8та услубий, 10та имло, 10та ишора хатоси бўлса	8	13
14	Иншоода 9та услубий, 11та имло, 11та ишора хатоси бўлса	7	12
15	Иншоода 10та услубий, 12та имло, 12та ишора хатоси бўлса	6	11
16	Иншоода 10 дан ортиқ услубий, 13та имло, 13та ишора хатоси бўлса	5	10
17	Иншоода 10 дан ортиқ услубий, 14та имло, 14та ишора хатоси бўлса	4	9
18	Иншоода 10 дан ортиқ услубий, 15та имло, 15та ишора хатоси бўлса	3	8
19	Иншоода 10 дан ортиқ услубий, 16та имло, 16та ишора хатоси бўлса	2	7
20	Иншоода 10 дан ортиқ услубий, 17та имло, 17та ишора хатоси бўлса	1	6
21	Иншоода 10 дан ортиқ услубий, 18та имло, 18та ишора хатоси бўлса	0	5

Изоҳ: Баъзан ўқувчининг ёзма ишдаги хатолар миқдори юқоридаги мезонга мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда 2та ишоравий хатони 1та имло хато ўрнида, 2 ёки 3та имло хатони 1 та услубий хато сифатида баҳолаш мумкин. Хатоларнинг (услубий, имло, ишора) ҳар бири сони жами 10тадан ошади ўқувчининг баҳоси ўзидан пасаяди.

(Давоми 15-бетда.)

Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш бўйича тавсия ва баҳолаш мезонлари

ХОРИЖИЙ (НЕМИС, ФРАНЦУЗ, ИНГЛИЗ) ТИЛЛАР
(Давоми. Боши 13-14-бетларда.)

Оғзаки

Оғзаки турда ўқиш учун мамлакат-шуносликка оид ўқув дастури доирасида 5та матн танланиб, конвертга со-

линади. Ушбу турда ўқувчи битта матнни танлаб олади ва матнни ўқиб унинг маъносини оғзаки равишда баён этади. Матн ҳажми 6-синфда 150, 7-синфда 200, 8-синфда 250, 9-синфда 300 сўздан кам бўлмашлиги керак. Оғзаки тур максимал -10 балл билан баҳоланади. Берилган матнга тайёргарлик учун 20 дақиқа вақт берилади.

Қатнашчиларнинг оғзаки жавоблари куйидаги мезон асосида баҳоланади.

№	Мазмуни	Балл
1	Ўқилган матн мазмунини тўлиқ оғзаки баён қила олиши. Мавзу юзасидан фикр билдирса ва уни асослай олса, ҳамда тўғри талаффуз ва интонация билан гапирса. Ўқилган матнни тўлиқ таржима қила олса. Матн мазмунига доир саволларга тўлиқ жавоб бера олса	10
2	Ўқилган матн мазмунини тушунарли тарзда оғзаки баён қила олса, ўз фикрини билдирса ва уни асосласа, тўғри талаффуз ва интонация билан гапирши. Ўқилган матнни 90 фоиз таржима қила олса. Матн мазмунига доир саволларга тўлиқ жавоб бера олса	9
3	Ўқилган матн мазмунини оғзаки баён қила олса. Фикр билдирса, тўғри талаффуз ва интонация билан гапиршида хатоликларга йўл қўйса. Ўқилган матнни 85 фоиз таржима қила олса. Матн мазмунига доир саволларга жавоб бера олса	8
4	Ўқилган матн мазмунини қийинчилик билан оғзаки баён қила олса. Фикр тор билдирилса, тўғри талаффуз ва интонация бузилса. Ўқилган матнни 80 фоиз таржима қила олса. Матн мазмунига доир саволларга жавоб бера олса	7
5	Ўқилган матн мазмунини оғзаки баён қила олса. Фикр билдирса, тўғри талаффуз ва интонацияга риоя қилмаса. Ўқилган матнни 70 фоиз таржима қила олса. Матн мазмунига доир саволларга қисман жавоб бера олса	6
6	Ўқилган матн мазмунини қисман қийинчилик билан оғзаки баён қила олса. Фикр билдира олмаса, тўғри талаффуз ва	

	интонацияга риоя қилмаса. Ўқилган матнни 60 фоиз таржима қила олса. Матн мазмунига доир саволларга қисман жавоб бера олса	5
7	Ўқилган матн мазмунини қийинчилик билан оғзаки баён қила олса. Фикр билдира олмаса, тўғри талаффуз қоидаларини қўпол тарзда бузса ва интонацияга риоя қилмаса. Ўқилган матнни 60 фоиз таржима қила олса. Матн мазмунига доир саволларга жавоб бера олмаса	4
8	Ўқилган матн мазмунини қисман оғзаки баён қила олса. Фикр билдира олмаса, тўғри талаффуз ва интонацияга риоя қилмаса. Ўқилган матнни 50 фоиз таржима қила олса. Матн мазмунига доир саволларга жавоб бера олмаса	3
9	Ўқилган матн мазмунини тушунарсиз тарзда оғзаки баён қила олса. Фикр билдира олмаса, тўғри талаффуз ва интонацияга риоя қилмаса. Ўқилган матнни 30 фоиз таржима қила олса. Матн мазмунига доир саволларга жавоб бера олмаса	2
10	Ўқилган матн мазмунини бир-бири билан боғланмаган жумлалар билан оғзаки баён қила олса. Фикр билдира олмаса, тўғри талаффуз ва интонацияга риоя қилмаса. Ўқилган матнни таржима қила олмаса. Матн мазмунига доир саволларга жавоб бера олмаса	1
11	Ҳеч нарса айта олмаса	0

Тест топшириқлари

Олимпиаданинг биринчи, иккинчи босқичларида ўқувчилар 25та (17та жавоби танланганидан тест ва 8та жавоби ёзиладиган тестлар берилади) тест топшириқларини бажаришга 2 соат вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 2 балдан, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 бални ташкил этади.

3 (вилоят) босқичида 40та (30та жа-

воби танланганидан тест ва 10та жавоби ёзиладиган тестлар), 4 босқич (Республика) олимпиадасида эса ўқувчиларга 40та тест топшириғи берилади. Тест топшириқларини бажаришга 2 соат вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 бални ташкил этади. Тест саволларини тузишда ўқувчилар ўқув дастури доирасида ўзлаштирган барча назарий, амалий билим ва тушунчаларнинг қамраб олинишига эришиш лозим.

Тун. Ҳамма ширин уйқуда. Устахонада ёғоч тахта-ларни саралаётган Мухиддин жонсарак. Кеча устози янги мавзу ўтганди. Ҳали ўқув йили тугамасдан Мухиддин устози берган топшириқни тез орада битирмоқчи. Ёғоч ўймакорлигини танлаган ёш уста ўйма нақшларнинг ҳар бирини сабр-тоқат билан соатлаб ишлаши кераклигини айтади.

— Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз дейишади, — дейди М.Ҳасанов. — Устозимиз ҳам буни кўп айтади. Хунарда ҳикмат кўп экан. Ёғоч ўймакорлиги хунарини эгаллаш эса кишидан эътиборни талаб қилади. Ҳафтада тўрт кун амалий машғулотларни коллеж устахонасида ўтишимизга қарамай, дарсдан кейин ҳам устахонада қолиб устозимдан ўрганганларимни мустаҳкамлайман. Бу иш менга завқ бағишлайди. Қаранг, (кўлидаги намунани кўрсатиб), оддий ёғоч тахтадан мўъжиза яратиш мумкин. Эсимда, 6-синфда ўқиб юрган кезларим акам мени мактабда очилган ёғоч ўймакорлиги тўғра-га бошлади. У ерда хунар сирларини ўрганаётганларнинг ҳаракатларини кузатиб, менда ҳам ана шундай санъат намуналари ясаш истаги туғилди. Кейин акам ўқиган коллежга ҳужжатларимни топширдим.

Дарвоқе, хунарманд уста Акмал Мухиддинов бу касбни 12 ёшда танлаган. Мактабда ўқиб юрган кезлари Бухоро шаҳар ўқувчилар саройида очилган ёғоч ўймакорлиги тўғрага қатнаган. У ерда усто-зои Собир Болтаевдан ўйма-



қимматбаҳолиги, яхши ўйилиши, пардозланиши билан аҳамиятли. Ёғоч ўймакорлигида турли асбоблар ишлатилиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос ишларни бажаради. Бу асбоблар икки турга бўлинади: нақшни ўйиш учун «ўйма қаламлар» ва «нақш қаламлар» дор. Шакли ва бажарадиган ишига қараб уларнинг бир қанча турлари бор. Масалан, тўғри искана, новза искана, нова искана, замин искана, балиқ сиртли искана, морпеч искана, чекма искана, куракча искана, чекма қалам ва бошқалар. Одатда мазкур исканаларни махсус асбоб тайёрлайдиган чилангарлар ёки ўймакор устозларнинг ўзлари тайёрлайди. — Ҳозирги кунда коллежда

Kolleg ustaxonasida

га декоратив-амалий санъат йўналиши бўйича: заргарлик буюмларини безатиш, бадий ёғоч ўймакорлиги, бадий нақш-қошлик, бадий либосларни лойиҳалаш, транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, муҳандислик коммуникациялар қурилиши, сув-газ таъминоти ва канализация тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш, бино ва иншоотлар қурилиши йўналишида эса қурилиш ва пардозлаш ишлари, дурадгорлик ва пол ётқи-зиш иши йўналишларида сабоқ берилади. Бундан ташқари, ўқув хоналари ҳамда устахоналар замонавий техника воситалари билан жиҳозланган.

Дарҳақиқат, ушбу ўқув масканида таълим олаётган ўғил-қизлар республикамизда ўтказилаётган қатор тадбирларда, бадий кўргазмалар, шунингдек, иншоотлар ва биноларни безаш ҳамда таъмирлашда қат-

Мухиддин Ҳасанов Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежининг бадий ёғоч ўймакорлиги йўналиши 3-босқич ўқувчиси. Ҳозир у «Келажақ овози» республика кўрик-танловига тайёрланмоқда.

Коллежнинг «Ёғоч ўймакорлиги» устахонасини қидириб борганимизда бизни ёғоч ўймакорлиги устаси Акмал Мухиддинов қаршилади.

— Устахонада ўқитувчи ва ўқувчи фойдаланадиган майдон 50-60 м.², ҳар бир талабанинг ўрни бир-биридан 60 см., қаторлар ораси 1м.дан узоклиқда бўлиши лозим. Сабаби, ишлаётганда ҳаракатланиш учун қулай шароит яратиши керак, — дея сўз бошлади касбий таълим устаси, хунарманд А.Мухиддинов. — Бундан ташқари, хонага ёруғлик тушишини таъминлаш учун стол лампалари ўрнатиш лозим. Ёғоч ўймакорлиги устахонасида ўқувчи жароҳатсиз ишлаши учун асбоб-ускуналарнинг созлиғига эътибор қаратиш ва улардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш талаб қилинади. Ўқувчиларимга дарсда махсус иш кийимида

ХУНАРДА ҲИКМАТ КҮП

ишлашни ва турли асбоблардан фойдаланишда ҳушёрроқ бўлиш кераклигини тайинлайман. Мана бу асбоб (кўлидаги кўрсатиб) ёғоч тўқмоқ. Уни бўшроқ, болгани эса қаттиқроқ ушлаш зарур. Дастгоҳларни ишлатишдан олдин барча симлар, узелларнинг изоляцияси бутунлиги кўздан кечирилади. Агар баъзи симларнинг изоляцияси очилиб қолган, тайёрланма ўрнатиладиган мослама мустаҳкамланмаган бўлса, станок юргизилмайди. Агарда хомашёни аралаш, рандалашга тўғри келиб қолса, тайёрланмани ўрнатмасдан кескичлар мустаҳкамлигини, кескирлигини текшираемиз. Шогирдларимнинг, энг аввало, техника хавфсизлиги қоидаларини ўзлаштиришига алоҳида аҳамият бераман. Унга риоя қиладиган ўқувчиларгагина дастгоҳда ишлашга рухсат берилади.

корлик санъати сабогини олиб, Тошкентдаги Республика дизайн касб-хунар коллежи томон отланган. Ешлигидан ёғоч ўймакор усталарининг иши ва ҳаётдан бохабар ёш ўймакор таниқли уста Ортиқ Файзуллаевни шу ерда учратади ва у кишига шогирд тушади. Коллежни битиргач, давлат гранти асосида Камолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига ўқишга кирди. Бугунги кунда эса ушбу коллежда ўқувчиларга ёғоч ўймакорлиги сир-асорини ўргатиб келмоқда.

— Ўймакорликда фойдаланиладиган ёғоч материаллари, уларнинг турлари, физик ва кимёвий хусусиятлари, захираларини билиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди уста. — Масалан, ёнғоқ дарахти. Пўстлоғи кўкиш, кўп йиллик дарахт. Ундан олинган хомашё



2043 нафар ўқувчи таълим олмақда, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Қобил Хайитов. — Ўқув масканимизда ўқувчиларга назарий ва амалий машғулотларни ўқитиш учун барча қулайликлар яратилган. Ўқувчилар-

нашиб келмоқда. Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежини бу йил 735 нафар битирувчи тамомлайди. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида «Мурувват-текс» МЧЖ, «12-Қурилиш трести», «12-Автосарой», «Ёшлик фабрикаси» билан уч томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ҳа, хунар — зар. Зеро, ҳикматларда шундай ёзилади:

Хунар ўрган, чунки хунарда кўп сир, Ёлиқ хазиналарни очар бирма-бир.

Хулкар ФАРМОН қизи, «Ma'rifat» муҳбири

**Журналларга 2011 йил учун
обуна бўлинг!
Обуна индекси:**
«Таълим Менежменти»:
 Якка обуначилар учун — 927
 Ташкилотлар учун — 928
«Таълим Тараққиёти»:
 Якка обуначилар учун — 1056
 Ташкилотлар учун — 1057
«Тарбия»:
 Якка обуначилар учун — 1121
 Ташкилотлар учун — 1122

**ХУРМАТЛИ МУАЛЛИМЛАР,
ҚАДРЛИ УСТОЗЛАР,
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
РАЎБАРЛАРИ!**

Сиз «Таълим тараққиёти»га эришиш, тажрибангиз «Тарбия» орқали юксалиши ва оммалашини, бошқарув фаолиятингиз «Таълим менежменти» асосида бўлишини истайсизми?
 Унда Халқ таълими вазирлиги муассислигида чоп этилаётган ушбу нашрларга обуна бўлишни унутманг!
 Мазкур нашрларда бериб борилаётган илмий изланиш ва тадқиқотлар, услубий тавсиялар қизиқарли ҳамда таҳлилий мақолалар ёш авлодни билимли, баркамол қилиб тарбиялашингизда Сизга яқиндан ёрдам беради.



МУЎТАРАМ УСТОЗЛАР!

«Мактабда биология», «Мактабда география» «Мактабда кимё», журналлари таҳририятлари Сизни Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 18 йиллиги байрами билан қутлайди. Кимё, биология, география ўқитувчилари ҳамда ушбу ҳаётий фанларга қизиқувчи барча муаллиму ўқувчиларни илм-фан оламидаги янгиликлар билан таништириб бориш эзгу мақсадимиз ва бурчимиздир.

ИЛМ-ФАН ДУНЁСИДА ЯШАНГ — ЖУРНАЛАРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ОБУНА ИНДЕКСЛАРИ:

- «Мактабда география» — 1198
- «Мактабда биология» — 1197
- «Мактабда кимё» — 1196



**ОГОҲЛИК
ҲАР БИРИМИЗГА
МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ**

Кунлар совизи билан юр-дошларимизнинг иссиқлик энергиясига бўлган талаби янада ортади. Лекин айрим ҳолларда улар ўзлари фойдаланган ана шу иситиш воситаларининг соз ёки ишлатишга яроқсиз ҳолдалиги билан кизиқиб кўрмайдилар. Бу эса кутилмаган кўнгилсизликларни, ёнғинларни келтириб чиқариши мумкин. Ана шундай нохушликларнинг олдини олиш мақсадида Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари кенг жамоатчилик, жумладан, мактаблар, боғчалар, касалхоналар, корхоналар, жамоат ташкилотларида бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Ёнғинларнинг асосий қисми фуқароларнинг хонадонларида содир бўлаётганлиги инobatга олиниб, турар жойлар, кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати, улардаги чордоқ ва ертўлалар текшириб чиқилмоқда. Ойлик давомида асосий эътибор ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган экан, нафақат соҳа хизмати ходимлари, балки барча юрдошларимизнинг бу тadbирга эътиборсиз бўлмасликлари, саъй-ҳаракатларнинг ҳамжиҳатликда давом эттирилиши, албатта ўзининг ижобий самарасини беради.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да жойларда муайян ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, ички ишлар идоралари томонидан амалга ошириладиган ташкилий ва амалий тadbирлар режаси ишлаб чиқилди. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг куч ва воситаларини марказлаштирилган ҳолда бошқариш ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ИИБ Тезкор штаби ва ишчи гуруҳи тузилди.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ёнғиннинг олдини олиш бир кунлик ёки мавсумий иш эмас, балки ҳар биримиз маъсул бўлган доимий вазифадир.

Дилдора ҒАНИЕВА,
12-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги отряди,
2-алоҳида пост кичик инспектори,
кичик сержант

ҲАЁТ ХАВҒСИЗЛИГИ УЧУН МУҲИМ

Республикамизда давом этаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида соҳа мутахассислари томонидан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида «Олов — тилсиз ёв» мавзусида ўқув-амалий машғулотлар олиб борилмоқда.

Ана шундай тadbирлардан бири Самарқанд шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида шаҳардаги 2-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисмининг ўт ўчирувчилари иштирокида бўлиб ўтди.

Подполковник Санъат Мирсаидов раҳбарлик қилаётган қисм ўт ўчирувчилари — капитан Умид Саидов, ёнғин ўчирувчилар Зоҳид Жумақулов, Санжар Рўзиев ва бўлим командири Жўрабек Мухиддинов ўқитувчию ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирокида ёнғиннинг олди-

ни олиш чора-тadbирлари, хонадонларда қўлбола газ плиталаридан фойдаланмаслик тўғрисида назарий ва амалий машғулотлар ўтказди.

— Илм масканида 30 нафар ўқитувчи 550 нафар ўқувчига мукамал билим бериб келмоқда, — деди мактаб директори **Шахло Ҳасанова**. — Ўқувчилар амалий ва назарий билимларни СамДУнинг профессор-ўқитувчиларидан ўрганиб, натижада республика ва халқаро олимпиадаларда голиб бўлиб қайтишмоқда. «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасида ўтказилган бу каби амалий тadbир эса ўқитувчи ва ўқувчилар учун ҳаёт хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

МУҲБИРИМИЗ

Суратларда: тadbирдан лавҳалар акс этган.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ПИРОТЕХНИКА

Мамлакатимизда пиротехника воситаларининг ноқонуний савдосига қарши курашиш борасида қабул қилинган айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритилди.

Хусусан, «Жиноят кодекси» ва «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекс тегишли равишда 250-1 ва 185-1 «Пиротехника буюмларининг қонунга зид муомаласи» моддалари билан тўлдирилди. Уларга мувофиқ, пиротехника воситаларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда

мамлакатимизга олиб кириш (ундан олиб чиқиш) ёки ўтказиш жарима солишдан бошлаб (энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 20 бараваригача — маъмурий жавобгарлик) озодликдан маҳрум қилишгача бўлган (10 йилгача муддатга — жиноий жавобгарлик) жазо қўлланилмоқда. Мазкур қонун шу йилнинг 23 сентябридан кучга кирди.

Хитойда ишлаб чиқарилаётган мушаклар, салют петардалар тутатиб отилганда кишига жароҳат етказиши, ҳатто унинг ногирон бўлиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бугунги кунда пиротехника маҳсулотлари Тошкент шаҳридаги айрим

бозорларда «тadbиркорлар» томонидан пулланаётгани сир эмас. Турли шакл ва кўринишдаги мушаклар, петардалар, шамлардан фойдаланиш, айниқса, болалар ўртасида бахтсиз ҳодисалар содир бўлишига олиб келяпти.

Ўтган йили пиротехника маҳсулотларини хусусий савдо дўконларида ноқонуний равишда сотишнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган тadbирларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан бир қаторда, Республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда унинг вилоятлар, шаҳар, туманлардаги бўлимлари ва бўлинмалари фаол

иштирок этди. Жойларда тузилган 246та гуруҳ томонидан ўтказилган рейд-текширувлар жараёнида сертификати бўлмаган 109 мингтадан ортиқ қути петарда, 6 мингтадан ортиқ салют ва бошқа пиротехника маҳсулотлари мусодара қилиниб, тегишли идораларга топширилди. Яқинлашаётган янги йил байрами кўнгилдагидек ўтиши учун соҳа ходимлари томонидан барча чора-тadbирлар кўриляпти. Вояга етмаган болаларнинг пиротехника воситаларидан шикастланмасликлари учун ҳар бир ота-онани зийраклик, эҳтиёткорлик, кези келганда, нопок сотувчиларга нисбатан муросасиз бўлиш талаб этилади.

А.Жўрабоев,
12-ХҲХО 3-алоҳида
пост кичик инспектори,
катта сержант

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети бўш (вакант) ўринларга катта ўқитувчи, ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади

- ▶ Табиий йўналишлар бўйича чет тиллар; рус тили; ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар **кафедралари катта ўқитувчилари.**
- ▶ Педагогик психология ва педагогика; немис филологияси; ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар **кафедралари ўқитувчилари.**

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
2. Ишловчининг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан имзоланиб, тасдиқланган ҳолда).
6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.



Манзилгоҳ:
Тошкент-174,
Талабалар шаҳарчаси,
ЎЗМУ,
кадрлар бўлими.
Тел: 246-03-92

Бугун мамлакатимиздаги ҳар бир таълим-тарбия маскани кўзни қувонтирадиган даражада чирой очиб, уларда фаолият олиб бораётган педагоглар ва ўқувчилар учун қулай шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Йилдан-йилга зафар кучиб бораётган мактаблар орасида Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 85-умумтаълим мактаби жамоаси ҳам бор. Уларнинг эришган ютуқлари навоийликларнинг тилига тушган. Бу муваффақиятларнинг замирида, албатта, ўқитувчиларнинг чеккан машаққатларию ўқувчиларнинг интилиши ва изланиши ётибди.

— Мактабимизда вилоят халқ таълими бошқармаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Навоий давлат педагогика институти ҳамда Навоий кончилиқ институти билан биргаликда узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, сифат даражасини кўтариш бўйича ҳамкорлик дастури тузилган, — дейди мактаб директори, «Шухрат» медали соҳиби Мавжуда Халитова. — Айни пайтда муассасамизда мазкур дастурга мувофиқ иш олиб бораёмиз. Мактабда қирқ беш ёшгача бўлган иқтидорли педагоглардан иборат раҳ-

бар кадрлар захираси яратилди. Уларга касбий лаёқати, ташаббускорлиги, ишга ижодий ёндашуви, ташкилотчилиги ва замонавий менежмент бўйича билимлар берилди. Янги ўқув йилидан бошлаб умумтаълим фанлари бўйича фан кабинетлари давлат таълим стандартлари асосида жиҳозланди, етарли кўргазмалар ҳамда

Mening maktabim — mening faxrim!


кўрсатиш учун Навоий давлат педагогика институти кафедраларининг филиаллари ташкил этилди. Физика, кимё, биология фанларини ўқитишда мавжуд ўқув-лаборатория базасидан самарали фойдаланилмоқда. Бу ўқувчиларнинг фан олимпиа-

таб ўқувчилари спортнинг 8 тури — кураш, гимнастика, футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, армрестлинг ва шахмат-шашка бўйича куч синашилади. Шунингдек, мактабда бир қанча тўғарак фаолият кўрсатмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ёш рассомлар», «Ёш наққошлар», «Ганчорлик ва ўймакорлик» тўғаракларида мактаб болалари ўзлари учун ҳаётда зарур бўлган амалий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиб бораёпти. Имконияти чекланган болаларнинг билим олиши учун зарурий ёрдам берилмоқда. Уйда таълим олаётган 5-«А» синф ўқувчиси Дилдора Мардонова ўқитувчиларининг ёрдами туфайли барча синфдошлари қатори аъло баҳоларга ўқимокда. Дилдора ҳам мактаб кутубхонаси фонди ҳисобидан дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминланди.

Мактабни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида томорқа ва ҳовлида 60 туп арча, 15 туп олма, ўрик, шафтоли дарахтлари парваришланмоқда. 250 туп атиргул ва 150 туп петуня гуллари кишининг кўзини қувонтиради. Мактаб ҳам, унинг бағрида таълим-тарбия олаётган ўқувчилар ҳам ана шу гуллар сингари беғубор сўлим. Боғбон — ўқитувчилар эса уларни парвариш қилишдан чарчамайдилар.

Башорат ОТАЖОНОВА

МЕХНАТ ҚАДР ТОПГАНДА...




даларида юқори кўрсаткичларга эришаётганлигида ўз аксини топмоқда.

Турли йилларда компьютер саводхонлиги бўйича Мўмин Юсупов, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловида Нигора Шоймардонова ва Мамашариф Жўраев, «Энг изланувчан психолог» танловида мактаб психологи Санам Исоқова фахрли ўринларни қўлга киритишди. Спорт соҳасида эришилаётган ютуқлар мактабнинг довуғини янада оширмоқда. Мактаб ўқувчилари «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида миллий кураш ва гимнастика йўналиши бўйича иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан «Маҳорат сабоқлари» спорт тадбирини ўтказиш аънамага айланган. Ҳар чоракда мак-

дидактик материаллар билан бойитилди. Кутубхона ўқув ҳамда бадиий китобларга эга бўлди.

Педагогларнинг маҳорати ва салоҳиятини ошириш, мустақил ва масофавий таълим билан яқиндан танишиш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга кенг эътибор қаратилган. Мактабда компьютер хонаси мавжуд. Яқинда Жаҳон банки томонидан яна тўртта компьютер берилди. Ўтган ўқув йилидан бошлаб ўқитувчиларга ўқув-методик ёрдам



«Маҳорат сабоқлари» спорт тадбиридан лавҳалар.

БАХТИЁР БОЛАЛАР

Жиззах туманидаги «Баҳор» номили 9-махсус мактабгача таълим муассасасига қадам босаркансиз, саранжом-саришталик диққатингизни тортади. Дарахтлар, болалар ўйингоҳлари дид билан безатилган. Кеч кузги гулларга ариқчалардан сув таралмоқда. Майдончадаги турли ҳайвон, қуш ва капалак ўйинчоқлари болаларнинг сеvimли дўстига айланган. Ҳовлидаги орасталлик хоналарга кўчган.

Катта гуруҳда тарбиячи Санобар Мустанова машғулот олиб бормоқда. Пластик мосламалардан турли шакллар ясаётган болакай билан суҳбатлашамиз.

- Нима ясаёпсан?
- Трактор.
- У нима иш қилади?
- Ер ҳайдайди, оғир буюмларни ташийди.

Ёнидаги ўртоғи яратаётган «ихтиро»га кўз ташлаймиз. У бинойидек кўтарма кран ясамоқда. Бир қизалоқ эса эртак қахрамонларининг қиёфасини яратяпти. Болалар машғулот чоғида адашса, тарбиячилар йўл-йўриқ кўрсатишади. Боғча опаларининг болаларга қалб қўри ва ўзгача меҳр билан ёндашаётганлиги уларнинг ҳар бир ҳаракати, гап-сўзидан сезилиб туради.

Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда болаларга ҳуқуқий билимдан ҳам дастлабки сабоқлар бериш йўлга қўйилган. Кичкинтойлар давлат рамзларини қийналмасдан айта оладилар. Улар ҳақида шеърлар ёдлашган.

Кўшни хонада ўрта гуруҳ билан машғулот олиб бораётган Гулбаҳор Қудратованинг болалар билан мулоқоти ҳам эътиборимизни тортди. Гуруҳда машғулотлар асосан рус тилида олиб борилади. Болакайлар Ватан ҳақида кўплаб шеърлар билишади.

2007 йилда муассасамиз соғломлаштириш масканига айлантирилди, — дейди МТМ мудири Дилшоода Йўлдошева. — Бино таъмирланди, моддий-техник базаси бойитилди. Ўша йили ҳаракатланиш аъзоси ва нутқида оғир нуқсонли бор болаларни қабул қилдик. Жорий йилдан боғчамиз мах-

сус мактабгача таълим муассасасига айлантирилди. Эндиликда муассасада нутқида, таянч ҳаракатланиш аъзоси, кўриш ва эшитишда нуқсонли бор ҳамда жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолган болалар ҳам тарбияланмоқда. Низомга асосан туман халқ таълими бўлими қошида тиббий-психологик комиссия ташкил этилган. Бизга болалар ана шу комиссиянинг ҳулосасига кўра келишади.

12та гуруҳда кундузги ва кечки навбатчилик асосида 17 нафар тарбиячи меҳнат қилмоқда. Шифокору ҳамширалар куну тун хизматда. Нутқида нуқ-

сонли бор болалар билан машғулот ўтказишда логопед Ҳалима Кенжаева, кўриш ва эшитиш аъзолари заиф болалар билан ишлашда дефектолог Манзура Латипова ўзига хос тажриба ва маҳоратга эга.

Тарбияланувчи Қумушбиби Файзуллаева тарбиячи ва ҳамшираларнинг саъй-ҳаракати туфайли тез орада кузатувчи ёрдамида бемалол юра бошлади. Махсус муассаса тарбияланувчилари орасида ўзига хос истеъдод ва маҳоратга эга ёшлар ҳам йўқ эмас. Қумушбиби ана шундай қизалоқлардан бири. У расм чизади, Жасур Ботиров эса доира чалишда барчанинг ҳавасини келтиради. Сардор Шерпўлатов шашка ўйинида кўпчиликни шошириб қўяди.

Кичкинтойлар масканида турли спорт, рус ва инглиз тили тўғараклари фаолият кўрсатмоқда. Таълим-тарбия жараёни асосан бола шахсига йўналтирилган. Муассасада ўтадиган ҳар бир тадбирга ота-оналар ҳам тақлиф этилади. Улар фарзандларининг ўсиб-улғайиши, жисмонан соғайиши борасида амалга оширилаётган ишлардан бохабар бўлиб, фарзандлари ижросидаги қўшиқ ва рақслар, сахна кўринишларини томоша қиладилар. Бундай эътибордан руҳланган болажонлар келаси машғулоти тадбирларга янада пухта тайёргарлик кўрадилар.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Maktabgacha ta'lim muassasalarida



Ўғил-қизларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш, асрлар давомида шаклланган ор-номус, андиша, ҳаё ва ота-онага ҳурмат, Ватанга садоқат каби ахлоқий мезонлар асосида камолга етказишда телеэкранлар орқали намойиш этилаётган турли мультфильмларнинг ҳам аҳамияти катта.

Бугунги кунда юртимизда фарзандларимизни яхшиликка, яратувчанликка ундовчи миллий мультфильмлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан Республика Маънавият тарғибот маркази ходимлари ва бошқа малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи "Ўзбекино" Миллий агентлиги томонидан 1997—2008 йиллари яратилган 36та миллий мультфильмнинг тарбиявий, маънавий-маърифий ҳолати, ранг-тасвир ва овоз бериш жиҳатларини ўрганиб чи-

уларда орийат ва гурурни шакллантириш масаласи бугуннинг долзарб вазифаси саналади, — дейди «Ўзбекино» миллий агентлиги бадий мультпликацион фильмлар сценарийларини тайёрлаш ва тематик режалаштириш бўлими бош муҳаррири Фофир Шермухаммедов. —Эртак ва достон, афсона ва мультфильм қахрамонлари боланинг мурғак тасавурида бир умрга мухрланади. Шу боис, мамлакатимизда ўғил-қизлар учун меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, мардлик ва жасорат

Dolzarb mavzu

нақа чиройли қизлар йўқ», деб сўради. Тўғриси, бизнинг болалигимизда қуёнча, айиқча, капалаклар ҳақида, дўстлик, эзгулик, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш лозимлиги ҳақидаги мультфильмларни кўп кўрар эдик. Ҳозиргилар эса...

— Болаларнинг тасаввур дунёси мисоли оппоқ қоғоз, улар борлиқни ўзлари кўраётган нарсалар орқали идрок этиб, шу туйғулар таъсирида камол топади, — дейди педагог-психолог Дилфуза Элчиева. — Инсон онгида маънавий бўшлиқнинг пайдо бўлиши, ўз мустақил фикрига, соғлом дунёқараш ва

КИЧИК ФИЛЬМНИНГ КАТТА ТАЪСИРИ

Мамлакатимизда мультфильмлар яратиш тарихи 1968 йилдан бошланган бўлиб, ҳозирги кунда бир йилда давлат буюртмаси асосида бир ярим сотлик мультпликацион фильмлар ишланмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, экран асарларининг бу хили одатда беш дақиқадан ўн беш дақиқагача давом этиши керак, ундан ортиқчаси болани зериктириб қўйиши мумкин.

Аммо ўз ўрнида ушбу турдаги мультфильмларни суратга олиш ниҳоятда машаққатли меҳнатки, фақат андозаларни тайёрлаш учун анча вақт кетади. Агар фильм қахрамонлари расмлардан жонлантириладиган бўлса, улар ҳаракатланиши учун ҳар сонияда 24та кадр тайёрланиши зарур экан. Бу дегани, битта мультфильмни яратиш учун 8-10 ой вақт сарфланади. Ана шундай катта меҳнат эвазига яратиладиган кичик фильм тарбиявий аҳамиятга эга бўлсагина, баркамол авлодни камол топтиришга ўз ҳиссасини қўша олади.

Болажонлар ойнаи жаҳон орқали севиб кўрадиган «Ўйла, изла, топ», «Янги авлод», «Бизнинг кутубхона» каби кўрсатувлар қаторида мультфильмларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Ёдингизда бўлса, «Эҳтиёт бўлинг, мультфильм» кўрсатуви Ўзбекистон телевидениесида намойиш қилинган, болаларни асабий қилиб, тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган «Бетмен», «Том ва Жерри», «Оппогой», «Соҳибжамол ва махлуқ» мультфильмлари асосли равишда танқид қилинди. Шундан сўнг «Ўзбекино» миллий агентлиги ва хусусий студияларда кўплаб асарлар яратилди. Жумладан, бадий савияси юкори «Тўмарис», уч қисмли «Алломиш», «Шодмон полвон», «Ур, тўқмоқ!» каби мультфильмларда миллий қахрамонлар образлари қизиқарли тарзда ёритиб берилди.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон «Алломиш», «Широқ» каби асарлар асосида кўпқисмли мультфильмлар яратишини, бу ишга мутахассис ва миллий рассомларни таклиф этиш зарурлигини катта йиғинлардан бирида таъкидлаб ўтган эди. «Алломиш» мультфильми шу таклифнинг дебосчаси бўлиб яратилгани айнаи мудоа бўлди. Бундай мультфильмлар сирасига «Меҳнатнинг нони ширин», «Дангаса», «Мешкобнинг бахти» эртақлари асосида яратилган, катта тарбиявий аҳамиятга эга фильмларни ҳам кириштириш мумкин. Бироқ барча мультфильмларни ҳам муваффақиятли чиққан деб бўлмади. Айрим мультфильмларда эса мавхумлик кучли, декорация ночор. «Азамат ва танбаллар» мультфильмидаги қахрамонларнинг юз кўриниши жуда хунук. Улар гўёки одам қиёфасидаги махлуқни эслатади. Натижада ибрат олиш лозим бўлган азамат болани ўзидан бездиради. Мультфильм қахрамонларининг қиёфаси бола учун ёқимли,

қувноқ кайфият бағишлайдиган бўлишига эътибор бериш кераклигини ҳисобга олмоқ зарур. «Мушук ва жин»да эса аниқ гоё, мақсад йўқ. «Сахий шаҳзода» мультфильмида эса шаҳзоданинг сочлари ўстирилган, онасининг кийими, рўмоли маликаларга хос эмас. Қолаверса, «Ойимнинг рўмоли, белингизга боғлаб олинг» дея шаҳзодага қиз рўмол беради. Ваҳоланки, йигитга рўмол эмас, белбоғ берилиши керак эмасми? «Сени кутавериб кўзларим тўрт бўлди, севгим!» дейиш ўзбек қизларига хос эмас. Ўзбекино ҳаё, ибон бу мультфильмларда бироз унутилган. Фильмдаги шеърлар ҳам чиройли ўқилмаган. Бу камчиликлар қаторида шаҳзоданинг кўлдаги балиқларга нон ушоғи бериши, отахонни опичлаб олиши каби тарбиявий аҳамиятга эга кўринишлар ҳам борки, у орқали миллийлик таъминланган. Демак, мультфильм яратишда ранг танлашдан тортиб, қахрамонларнинг кийимига, муслиққа овоз танлашгача режиссёр диққат марказида туриши керак. Нутқда эса турли жаргон сўзлардан, бадийликка ёт иборалардан сақланиш мақсадга мувофиқдир.

— Мультфильмларнинг болалар тарбиясидаги муҳим ўрнини ҳеч ким инкор эта олмайди, — дейди «Ўзбекино» Миллий агентлиги Бош директори Аъзам Исҳоқов. — «Ўзбекино» ижодкорлари ҳам зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан адо этиш жаъраёнида болаларбоп экран асарлари яратишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу борада, шубҳасиз, таянч ижодий марказ сифатида «Ўзбекфильм» киностудияси зиммасида салмоқли масъулият бор. 2010-2011 йилларда болажонларни бой тарихимиз ва мумтоз адабий меросимиз намуналари билан таништириш мақсадида «Спитамен», «Фарҳод ва Ширин», «Шер билан Дурроҷ», ўзбек халқ эртақлари асосидаги «Семурғ — бахт қуши», «Эгривой ва Тўғривой» сингари қатор мультфильмларни ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бундан ташқари, «Уч дўст», «Чархпалак» сингари болаларбоп асарлар ҳам экран юзини кўриш арафасида.

Биз «Ўзбекино» миллий агентлигидан ўзбекино, катта тарбиявий аҳамиятга эга, кўп қисмли мультфильмларни кутамиз. Зеро, ҳар бир кичик фильмнинг ҳам катта таъсири бўлсин.

Махмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЎЗБЕКОНА МУЛЬТФИЛЬМЛАР КЎНАЙСА

қишди. Мутахассислар томонидан олиб борилган таҳлил натижасида «Эртақлар — яхшиликка етаклар», «Ур тўқмоқ», «Ботирнинг бахти» каби 22 мультфильм намойиш этишга тавсия этилди.

Айни кунда юртимизда болаларнинг юксак фазилатлар эгаси бўлиб шаклланишига хизмат қиладиган миллий мультфильмлар яратилмоқда. Бироқ бу эҳтиёжни нечоғли қондиради? Уларнинг сифати замон талабига мосми?

— Зўравонлик воқеалари тасвирланган экран асарлари боланинг нафақат маънавий дунёсига, балки жисмоний ривожланишига ҳам қаттиқ зарар етказиши, — дейди Сурхондарё вилояти Денов туманидаги оилавий поликлиника шифокори Шарофат Болтаева. — Шунингдек, боланинг бир кунда уч соатдан ортиқ телевизор қаршисида ўтириши уларнинг ақлий ривожланишини пасайтириб, турли ҳасталикларга чалинишига сабаб бўлади. Болада тез толиқиши, асабийлашиш ҳолатлари кузатилади. Кўп муддат кўрилган мультфильм унинг онгига мустаҳкам ўрнашиб, миясини забт этади ва қилаётган ҳар бир ишига зарар етказиши. Бу бугунги кунда барчани ўйлантираётган муаммо.

Кичкинтойларимиз учун ёзилган ва ёзиладиган ҳар қандай бадий асар уларнинг ёш хусусиятларига, савияларига мос, фикр уйғотадиган, ёрқин образларга бой, юксак гоёларга илҳомлантирадиган бўлиши зарур. Энг муҳими, мавзу долзарб, матн содда ва қизиқарли тилда ифодаланиши керак.

— Ҳозирги кунда юртимизда миллий мультфильмлар ишлаб чиқаришга жиддий эътибор берилмоқда. Болалар учун миллий қахрамонлар образини яратиш,

каби фазилатлар акс эттирилган миллий мультфильмлар яратишга катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Ҳозирда ўнта тарбиявий характердаги мультфильмни ишлаб чиқариш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Фарзандларимиз қандай эртак эшилади, қандай мультфильм кўради? Бу катта ёшдагиларнинг диққат марказида бўлиши даркор. Илгари болалар мультфильмни фақат телевизорда кўрадди. Техника ривожини тугайли ҳар бир хонадонга сунъий йўлдошли каналлар, аудио ва видео ускуналари, интернет кириб келди. Ахборот-коммуникация соҳасида улкан имкониятларни тақдим этган бу воситалардан мақсадсиз фойдаланиш фарзанд тарбиясида қатор муаммоларни келтириб чиқарапти.

— Ўғлим Ўткирбек 5 ёшда. У телеэкран орқали мунтазам эфирга узатиладиган «Уч опа-сингил», «Мадагаскар», «Музлик даври», «Шрэк», «Этик кийган мушук», «Оппогой» каби мультфильмларни севиб томоша қилади, — дейди бухоролик Гулзода Исломова. — Қизиқиб, бир куни телевизорга текилиб турсам, унинг қахрамонлари ошиқ-маъшук йигит-қиз... «Севги»ларига раҳна солаётган «душман»ларини бирпасда яксон қилишади-ю, бир-бирига ёпишиб кетишади. Бундай эпизодларнинг бир эмас, бир неча марта такрорланаётганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушладим. Бу каби мультфильмларни ким танлаб, намойишга тавсия этаётган экан, деб ўйлаб қолдим. Мультфильмдаги бош қахрамон қизнинг келишган қомагию, лаб бўёқларини, соч турмакларини ва замонавий кийимларини мен билан бирга томоша қилиб турган ўғлим, «Ойи, нега боғчамизда бу-

мустаҳкам иродага эга эмаслиги оқибатида унинг турли мафкуравий таҳдидлар, гиёҳвандлик, кашандалик, ахлоқсизлик сингари иллатлар таъсирига тушиб қолади. Фарзанд дунёга келгач, 7-8 ёшгача фақат ўйин билан машғул бўлса, 22-24 ёшга етгунча ўқиш, илм олиш билан банд бўлади. Бола онги айнан ўсмирлик давридаёқ ҳаётнинг кўп қирраларини англаб етиши илмда исботланган. Бола нимани хоҳлаётгани, қандай мультфильм ёки кино кўраётгани билан ота-оналар қизиқиб кўрсин. Қизчангининг мультфильмдаги замонавий Барби қизга ҳавас қилиб, кўз-қошларини бўяб, қомагига эътибор бера бошлаши ёки ўғлинининг жангари бўлиб қолганига ўткинчи бир ҳавас сифатида беэътибор бўлмаган.

Болалар дунёдаги барча нарсаларнинг фақат ижобий томонини идрок этадилар, шу юксак туйғу билан яшайдилар. Шунингдек, улар янги-янги ахборотни олишига қизиқадилар, тез эслаб қоладилар. Эртак, афсона, мультфильм ва ўйин қахрамонлари боланинг мурғак тасаввурига мухрланади. Мактабгача ёшдаги болаларга ёрқин ранглардаги, уларнинг руҳини кўтарадиган, қалбида атроф-муҳитга меҳр уйғотадиган ижод намуналарини тақдим этиш зарур.

Тадиқотларга кўра, бола мультфильм кўраётганда дастлабки 20 сонияда шаклга эътибор бераркан, кейин эса мазмунини қабул қилади. Шунинг учун мутахассисларимиз мультфильм яратаётганда, энг аввало, унда шакл ва мазмун мутаносиблигига эътибор берсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Азима ҚИЁСОВА

Инсоннинг сарҳадсиз ҳудудларга, хусусан, самога парвоз қилиш орзуси қачон пайдо бўлган, деган саволга жавоб топишнинг деярли имкони йўқ. Эҳтимол, бу истак одамзод Ердан ташқари ҳам қатор сайёралар борлигини билганидан сўнг юзага келгандир. Шундан кейинги давр само ва самовий жисмларни ўрганишга қаратилган кўплаб саъй-ҳаракатлар бошлаб берилгани билан аҳамиятлидир.

Натижада, бугунга келиб бу борадаги қатор лойиҳалар орасида эътиборли дея таърифланаётган ўзига хос кенг қамровли тадқиқот дастури иш бошлади. Дунёнинг турли бурчақларида мазкур лойиҳа асосидаги мақсадни амалга ошириш ниятида фаолият олиб боровчи олимлар эса уни битта умумий ном билан — “Марсга инсоннинг парвози” деб атади.

нортилик тадқиқотчилар билан ҳамкорликда 2050 йилгача биргаликда икки мамлакат астронавтиктан иборат гурӯҳни илмий мақсадларда Марсга чиқариш таклифи ўртага ташланди. Натижада, икки давлат ўртасида космонавтика соҳаси тадқиқотлари борасида тор доирадаги ҳамкорликни олиб бориш тўғрисидаги битим имзоланди.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ОЗ ЭМАС

Таъкидлаш зарурки, Марсга уюштирилажак парвознинг асосий мақсади —

Марсдаги тортишиш кучи Ер гравитациясининг 38 фоизига тенг эканини аниқлашган. Шу билан бирга, қизил сайёранинг магнит майдони Ерникига нисбатан 1000 баробар кичик. Мазкур омиллар ҳам муаммоли масалалардан бири сифатида тилга олинмоқда. Чунки бу инсоннинг вегетатив асаб тизимига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун олимлар Марсга учурилажак самовий кема ва сайёрадаги база ичида сунъий равишда магнит майдон ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ, деган фикрда.

Иккинчидан, узоқ мuddатли парвоз-

МАРС — БИЗНИ ТОПИЛАЁТГАН ЖУМБОК

ОЙГАМИ ЁКИ МАРСГА?


Аслида Марс сайёраси неча асрдан бери илм аҳлини ҳайратга солаётгани, аҳамиятлиси, вақт ўтган сари ҳам унинг янгидан-яңи қутилмаган топилмалари олимларни тобора ўлантираётгани кенг жамоатчиликка маълум. Айни кунда Марсга АҚШ авионавтика ва самовий тадқиқотлар агентлиги (НАСА) ҳамда шу каби қатор тадқиқотчилик марказлари томонидан бир неча самовий аппаратлар чиқарилгани, улар ёрдамида мунтазам равишда маълумотлар олинаётганига қарамай, сайёранинг тадқиқ этилганлик даражаси олимларни қониқтирмапти. Айнан шу нарса уларда Марсга парвоз уюштириш фикрини туғдирди.

Умуман олганда, бу ҳақдаги дастлабки таклифлар океанортида иш бошланган “Аполлон” дастури доирасида қузилган. Лекин 1969 йили инсон Ойга қадам қўйгач, кейинги йилларда “Аполлон” дастури ниҳоясига етгач, таклиф таклифлигича қолган. Европада ҳам ўтган асрнинг 70-йилларида мазкур йўналишдаги лойиҳаларни ташкил этиш фикри илгарди сурилгани маълум. Аммо ўша даврда олимларни биринчи ўринда Ой кизиқтирар эди, шу сабаб ҳам бу борадаги дастурлар бироз кейинга кечиктирилган экан. “Нейчэ” наشريда ёзилишича, айни кунда Европа космик агентлиги, НАСА ва Россия Федерал космик агентлиги (Роскосмос) инсон томонидан бошқариладиган самовий кемани Марсга чиқариш уларнинг истиқболли лойиҳаларидан бири эканини аллақачон маълум қилиб улгурган.

ЛОЙИҲАЛАР КЎП, АММО...

Яқин ўтмишда алоҳида мамлакатлар ва қатор ташкилотлар томонидан кўп бора астронавтиктан Марсга жўнатилиши билан боғлиқ тадқиқотлари тўғрисида маълум қилинган. Демак, қизил сайёрага саёҳатни амалга ошириш мақсади бугунги кун олимларини тинч қўймаётгани аниқ. Хусусан, Европа космик агентлиги томонидан “Аврора” лойиҳаси ишлаб чиқилган ва ундан кўзланган мақсад Ой ҳамда Марсга учувчиларни жўнатиш. Агентлик режасига кўра, Марсга астронавтлар 2033 йили чиқарилади. Лекин ҳозир қузилаётган молиявий танқислик масалалари лойиҳа бироз кейинроқ амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Айни пайтда лойиҳа ташкилотчилари турли илмий тадқиқот марказлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борилса, белгиланган мuddатда барча зарур тайёрликлар кўриб бўлиниши ҳам таъкидлашапти.

Рус олимлари эса 2015 йилгача Марс йўлдошларидан бири — Фобосга учувчисиз парвозни амалга оширишни режалаштирган. Бошқача қилиб айтганда, улар шу йили самовий жисмга “Фобос-грунт” космик зондини чиқаришмоқчи. Агар тадқиқотлар қутилган натижаларни берса, у ҳолда Федерал космик агентлиги (Роскосмос) қизил сайёрага асримизнинг биринчи яримадаёқ астронавтлар чиқарилиши мумкин эканини маълум қилган. Унга қадар эса миллий космик дастур доирасида “Марс-500” номли лойиҳа амалга ошириляпти. Унда қатор кўнгилчилар иштирокида сунъий равишда қизил сайё-



рага хос шарт-шароитлар яратилади ва парвоз амалга оширилади, яъни иммитация қилинади. Қолаверса, Европа ва Россия олимларининг режаларига кўра, улар яқин орада мазкур йўналишда ҳамкорликда иш олиб боришни йўлга қўйишмоқчи.

Океанортида бўлса, мазкур миссия узоқ келажақдаги истиқболли лойиҳалар сирасига киритилган. Шунга қарамай, 2004 йилдаёқ НАСА учун узоқ мuddатли янги режа ишлаб чиқилиб, унинг асосий мақсади Ойга яна парвоз, шунингдек, Марсга илмий саёҳат уюштиришдан иборат бўлган. Мақсадларни қайта кўриб чиқиш асносида “Юлдузлар туркуми” лойиҳасига асос солинди. Мазкур дастур доирасидаги илк қадам сифатида эса 2010 йилгача астронавтлар аввал Ойга, сўнг эса Марсга саёҳат уюштириш имконини берадиган “Орион” космик кемасини яратиш гоёси кўрсатилганди. Кейинчалик — 2024 йилдан бошлаб НАСА режасига кўра, Ойда доимий манзилгоҳ — база ташкил этилиши кутиляпти. Эътиборлиси, мазкур ҳудуд Марсга саёҳатни амалга оширишда тайёргарлик ўталиши лозим бўлган жой вази фасини бажариши кўзда тутилган. Лойиҳага биноан учувчисиз амалга оширилаётган парвозлар самараси ўлароқ, инсонларнинг Марсга қадам қўйиши учун барча керакли шароитлар яратилиб, 2037 йилга келиб астронавтлар қизил сайёрага чиқиши мумкин бўлади.

Мазкур мақсад йўлида фаолият олиб бораётган олимларнинг истиқболли режалари белгиланган мuddатда амалга оширилгани ҳақидаги хабарни кенг жамоатчилик тез орада эшитиш ниятида бўлган бир пайтда қутилмаган янгилик маълум қилинди. Аниқроғи, жорий йил февралда Ойга учувчиларни чиқариш лойиҳаси маблағлар танқислиги сабаб ёпилиши маълум бўлди. Бу ўз навбатида Марсга саёҳат ҳам амалга оширилмаслигидан дарак берарди. Лекин кўп ўтмай, апрелда Флоридадаги Кеннеди космик тадқиқотлар марказидаги йирик илмий анжуманда 2025 йилгача узоқ мuddатли парвозлар учун янги турдаги самовий кемалар яратилиши кутиляётгани маълум қилинди. Бу эса мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар тўхтатилмаганини билдиради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, янги космик кемалар ёрдамида Ой орбитаси ташқарисига, яъни очик самога ҳам парвоз уюштириш имкони туғилади. Бунда аввалга тарихда илк бор астероидга астронавтлар учурилиши, 2030 йилларга келиб эса Марс орбитаси, сўнгра сайёранинг ўзига парвоз амалга оширилиши режалаштирилган.

Маълумот ўрнида таъкидлаш зарурки, самовий изланишлар муваффақиятли амалга ошириляётган Ҳиндистонда ҳам бу борада илк қадамлар ташланди. Жумладан, бундан бир неча йил олдин мамлакат олимлари томонидан океа-

сайёра юзасига учувчиларни узоқ мuddатли тадқиқот мақсадларида тушириш, уларнинг кейинчалик Ерга қайтишини таъминлашдан ташқари яна қатор ишларни амалга оширишдан иборат. Хусусан, уларга сайёрамиз ташқарисидо ҳам захиралар қидириб топиш киради. Аммо НАСА мутахассисларининг фикрича, мазкур ҳаракатлар қийинчиликларсиз кечмайди.

Биринчидан, астронавтларга бунда физиологик таъсир ўтказилади. Аниқроғи, космик нурлар ва қуёш радиацияси туфайли тўқималарда парчаланиш ва ҳужайраларнинг нобуд бўлиши қузилади. Турли ҳимоя кийимлари ва воситалари ёрдамида бунинг олдини олишга ҳозирда эришилганига қарамай, сайёралардо самовий маконда инсоннинг узоқ мuddат бўлиши тажрибаси йўқ. Ерга эса инсоният сайёранинг магнит майдони ҳисобига бу каби таъсирлар остидо бўлмайди.

Жоржтаун университети олимлари томонидан ўтказилган изланиш эса ушбу ҳавотир бежиз эмаслигини кўрсатди: учувчилар ҳимояланмас экан, уларда қатор касалликлар қузилиши мумкин. Негаки, қуёш Ерга одатдагидек нур сочиб турадиган шароит дея нисбий олинса, бундай ҳолатда астронавтикларнинг Марсга 15 ойлик парвози пайтда нурланиш даражаси 3 баробар юқори бўлар экан. Вазнсизлик ҳолатига тушиши билан инсон организми муҳитга кўника бошлади. Маълум бир физиологик жараёнлар натижасида юрак фаоллашади, сув ва тузларнинг алмашинувини таъминлайдиган гормонларнинг ишлаб чиқарилиши тезлашиб, организм кўп суюқлик йўқотади. Шу сабаб ҳам бундай пайтда учувчилар одатда кунига 3 литр сув истеъмол қилади.

— Узоқ вақт вазнсизлик ҳолатида бўлиш самога парвоз этишининг тиббий нуқтаи назардан олинган энг катта муаммоси ҳисобланади, — дея таъкидлаганди Европа космик агентлиги қошидаги Тиббий марказ илмиий ходими Алан Расмуссен ўзининг “Сайнс” журналидаги мақоласида. — Жараёнда суяклар ва қон айланиш тизими тортишиш кучи йўқлиги ва улар доимий равишда ҳаракатда бўлмаслиги туфайли заифлашади, суякларда калий ва кальций моддалари миқдори камаяди. Ҳисоб-китобларга қараганда, тахминан 8 ой вазнсизлик ҳолатида бўлгандан сўнг Ерга организм учун қайта ўзини тиклашга 2 ва ундан ортиқ йил мuddат талаб этилади. Вазнсизликнинг зарари ни камайтириш мақсадида учувчиларнинг суяк касалликлари генетик жиҳатдан чидамлилигини текшириш боиси ҳам ана шунда. Астронавтиклар Ерга қайтгач, мушаклар парвоз олдида ўлчанган вазнининг 25 фоизини йўқотганида ҳам гравитация сабаб тезроқ тикланади.

Тадқиқотчилар тажрибалар пайтида

нинг физиологик таъсирини ўрганиш билан бирга психологик ҳолатлар ҳам эътибордан қолмапти. Ижтимоий мулоқотларнинг чекланганлиги астронавтиклар орасида зиддиятли вазиятларни вужудга келтириши эҳтимолдан холи эмаслигини мутахассислар таъкидлашапти. Бунинг олдини олиш мақсадида ҳозирданоқ самовий экипаж аъзоларининг нафақат техник ва илмий тоифа кўрсаткичлари, балки руҳий мувозанати ва психологик мураккаб ҳолатларга чидамлилигига ҳам диққат қаратилмоқда.

ТАШВИШЛАР ҲАМ ЕТАРЛИ

Парвоз пайтидаги техник носозликлар тадқиқотчиларни ташвишга солаётган энг муҳим масалалардан бири экан. Боиси бугунги кун техника тараққиёти даражасида олинса, Марсга парвоз қилиш учун 6 ой ва қайтиш учун ҳам худди шунча вақт талаб этилади. Мазкур ҳисоб-китобда қизил сайёрада астронавтикларнинг бир йил аτροφидо бўлиши кўзда тутилган. Чунки бу давр оралиғида Марс ва Ер ўртасидаги масофа яна минимал даражада қисқаради. Айни пайтда жараёнда энг муҳим тизимлар турли сабаблар (майда метеоритлар тушиши каби) туфайли ишдан чиқиши мумкин.

НАСА етакчи мутахассиси Сэм Дилисининг гапларига кўра, бунда энг катта хавф ракета двигателининг ишдан чиқиши билан боғлиқ. Буни эътиборга олган ҳолда, ҳозирда олимлар захираларни тайёрлашни афзал билмоқда. Масалан, оғирлиги 1000 тонналик сайёралардо парвоз қурилмаси учун 400та электр ракета двигателлари ўрнатилса, узоқ мuddатли парвоз пайтида ҳам космик кема керакли тезликда ҳаракатлана олади. Ҳар бир двигателнинг ўз бошқарув тизими, бир-биридан мустақил ишлай оладиган қисмлари, қуёш батареяларининг алоҳида бўлиниши борлиги боис бир неча двигателларнинг ишдан чиқиши умумий ҳаракатланишга деярли таъсир кўрсатмаслигини тадқиқотчи таъкидлайди.

Шунингдек, қизил сайёрадаги чангли бўронлар ҳам учувчиларга хавф туғдириши мумкин. Уларнинг қандай вужудга келишига ҳали асосли изоҳ топилмаган. Олимлар умуман олганда, Марсдаги чанг зарралари Ойдаги каби ўта зарарли бўлмасда-да, инсон ўпкасига тушиши соғлиқ учун хавфли, дейишмоқда. Улар ҳажман жуда кичиклиги сабабли зарралардан буткул ҳимояланиш бироз мураккаб экан. “Аполлон” дастури доирасида фаолият юритган астронавтлар Марс юзасига қўнган самовий аппаратда зарралар бир кун ўтиши биланоқ пайдо бўлишини пайкаган.

Эътиборлиси, тўзон зарралари ўзига хос электрстатик хусусиятга эга. Бу ток гарчи кичик миқдорда бўлса-да, учувчи скафандридаги баъзи ускуналарни ишдан чиқариши мумкин. Марсда суюқ ҳолатдаги сувнинг йўқлиги боис зарядланган зарралар тупроққа сингиб кетмайди.

Ҳозирда қатор мутахассислар мазкур масалага ечим таклиф қилишмоқда.

Теннесси университети палеонтолог Ларри Тэйлор тажриба ўтказиб, бугун Марсда ҳаракатланувчи самовий аппаратларда фойдаланиладиган усул билан зарядланган зарра таъсирини йўқотиш мумкин, деган ҳулосага келди. Бунда ускуналарга 0,02 миллиметрге тенг ингичка игналарни жойлаштириш зарур бўлади, шунда улар орқали зарядланган зарра Марс атмосферасига

Ўтказилади. НАСА физик олимларидан бири Жефри Лэндис бўлса, янада самарали усулни таклиф этган. Скафандр ёки самовий аппаратга бириктириладиган кичик радиактив манба яратиш бунинг учун кифоя экан. Натижада, кичик қувватга эга альфа зарралар туфайли ускуна атрофидаги атмосфера ионлашади ва электр токини ўтказиш хусусиятига эга бўлади.

ПАРВОЗ СЦЕНАРИЙСИ ТАЙЁР!

Турли манбаларда келтирилишича, 1990 йили тадқиқотчи Роберт Зубрин "Марс Дайрект" ("Mars Direct") номида дастурни тайёрлаган. Уни амалга ошириш учун эса океанортидан учирилган "Сатурн-5" каби қувватга эга учувчи ракета бўлиши талаб этилган, холос.

Лойиҳа сценарийсига кўра, Марсга инсонлар жўнатилишидан олдин автоматик равишда фаолият юритадиган космик кемага старт берилади. Унинг ичидан Эрга қайтадиган аппарат бўлиб, даставвалига айнан шу ускуна қизил сайёрага жўнатилади. Қурилма 6 тонна водород билан тўлдирилган ҳолатда Ердан учирилади. Марсда эса ушбу водород, сайёра атмосферасидаги карбонат ангидрид ва кема реакторидаги электр қувватидан сув ҳамда метан гази ҳосил қилинади. Бу эса қизил сайёра юзасида ҳаракатланиш ва Ерга қайтиш учун етарли қувват вазифасини ўтайди.

Автоматик қурилма учирилгач, 26 ойдан сўнг учувчилар бошқарадиган самовий кема парвоз қилади. Унда астронавтарнинг Марс юзасида яшаши учун жиҳозланган бўлинима сайёрага етказилади. Агар учувчилар автоматик қурилмада узокроқ масофага пасласа, улар махсус ҳаракатланиш воситаси ёрдамида керакли худудга етиб олиши ҳам кўзда тутилган. Тахминан 1,5 йилдан сўнг эса улар барча белгиланган ишларни амалга ошириб, Ерга қайтиши режалаштирилган. Айни пайтда мазкур лойиҳа муҳокама этилиб, унинг амалга оширилиши учун 50 миллиард доллар маблағ зарурлиги маълум қилинган.

Шу кунларда бўлса, НАСА расмий сайти(www.nasa.gov)да яна бир янгилик эълон қилинди. Маълум бўлишича, агентлик чиндан ҳам Марсга инсонларни жўнатишга жиддий киришган. Бошқача қилиб айтганда, "Юзйиллик самовий кема" номи лойиҳа доирасида қизил сайёрага инсонлар 2030 йилдаёқ парвоз қилиши ҳақида таъкидланди. Астронавтарга барча зарур нарсалар Ердан етказиб турилади.

Ҳозир бу борадаги ишлар бошлаб юборилган, уларнинг натижалари ҳақидаги илк маълумотлар эса келгуси йил бошида тақдим этилар экан. Шунга қарамай, ҳозирча бир неча йил давомида инсонларнинг бошқа сайёраларга учиш имконини берадиган самовий кема яратилиши маълум. Шу билан бирга, лойиҳа учун тахминан 10 миллиард доллар маблағ талаб этилиши, ишни бошлаш учун НАСанинг асосий Амес тадқиқотчилик маркази олимларига 1 миллион фунт ажратилгани ҳам таъкидланди.

САМАРАСИ БОР(МИ?)

Шу ўринда савол туғилади: анча мураккаб ва қатор хавфлардан холи бўлмаган мазкур лойиҳани амалга оширишнинг амалий самараси қандай?

Астронавтика ва космонавтика соҳасида фаолият юритувчи тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, жараёнда двигателларни ишлаб чиқариш, техника хавфсизлиги ва космик кемада ҳаётни таъминлаш тизими такомиллашади, янги технологиялар ривожига талаб кучаяди. Кўплаб олимлар ўтган асрнинг 60-йилларида рўй берган инновацион янгилар бунга туртки бўлишини ҳам таъкидлашапти. Негаки, айнан шу даврда Ойга инсон қадами етганидан сўнг илм-фанда кескин ўзгаришлар рўй берган.

Иқтисодчилар эса мазкур сайё-ҳаракатлар туфайли молия тизимида ҳам фаоллик кузатилиб, у ўз навбатида сарфланган харажатларни оқлашини таъкидламоқда. Шунингдек, саёҳат башариёт тамаддунида катта аҳамият касб этади: агар одамзод бошқа сайёра томон қадам ташласа, кейинчалик у ерда ҳаёт кечириш мумкин ёки мумкин эмаслиги борасидаги саволларга ҳам жавоб топилади.

Наргиза ИБРОХИМОВА

«УЧАР» АВТОМОБИЛЬ ОРЗУСИ

Physorg.com сайтида узатилган ахборотга қараганда, жуда ҳам юқори тезликда ҳаракатланувчи автомобиль яратилиши кутилмоқда. У соатига 1 600 км. масофани босиб ўтиши мумкин. Ҳатто тезликни ундан ҳам ошириш имкони мавжуд. Бу эса автомобиль самолётдан ҳам илдамроқ ҳаракатланади, деганидир. Бу ғайритабиий изланишлар билан «Bloodhound SSC» (Буюк Британия) номи олгадиган лойиҳа шугулланмоқда. Лойиҳа натижалари келгуси йилда маълум қилиниши режалаштириляпти.

Ҳозирги автомобиллар ўртасида ўрнатилган тезлик бўйича рекорд «Thrust SuperSonic Car»га тегишли. 1997 йили яратилган лойиҳа натижасида ишланган «пўлат от» 1228 км/соат тезликка эришганди. Қизиқарлиси, «Thrust»да фаолият юритган уч нафар мутахассис «Bloodhound» лойиҳасида ҳам қатнашапти. Булар автомобил ҳайдовчиси Энди Грин, аэродинамика бўйича мутахассис Рон Айрес ва лойиҳа раҳбари Ричард Нобледир.

Ричард Нобле тезлик бўйича ўрнатилган ажайиб рекордни қўлдан бермасликни мақсад қилган. Лойиҳачиларнинг хабарига кўра, келгуси йилнинг январидан бошлаб янги ҳаракатланиш воситасининг ҳар хил тахминий нусхалари ишлаб чиқарилса, 2012 йилга келиб, автомашина «учиш»га тўла тайёр бўлади. Улар лойиҳадан кўзланган мақсад ҳақида гапираркан, фан ва муҳандислик санъатини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни таъкидлашди.

Янги машинанинг кузови ингичка қотишмали материалдан иборатлиги, 90 см.ли гилдираги бўлиши ва оғирлиги 97 кг.га тенглиги белгиланган.

Машина учун яратиладиган энг мақбул таркибли бирикмани аниқлаш мақсадида ўтказилаётган тадқиқот ҳали давом этапти. Чунки бу бирикма ҳар тарафлама қулай, чидамли бўлиши ва ҳайдовчи хавфсизлигини таъминлаши керак. Кўзланган тезликка эришиш учун автомобиль гилдираги бир сонияда 170 маротаба айланиши зарур. Бир дақиқادا тахминан 10200 бора айланади. Кўриниб турганидай, автомобилнинг гилдираги ва тўғини(гилдирак ўзаги)га жуда оғир «масъулият» тушади. Энг чидамли қотишмани аниқлаш борасида муҳим тажриба Кембриж университети лабораториясида ўтказилмоқда.

«Учар юлдуз» номи билан аталаётган тахминий автомобиль «Eurofighter Typhoon» самолётининг реактив двигатели билан таъминланади, шунингдек, «Falcon» ракетаси двигатели ҳам ишлатилиши мумкин.

Фақат бундай юқори тезликда ҳаракатланишдан олдин трассани ҳар хил тошлардан тозалаш керак. Боиси гилдирак ва автомобиль кузови учун 1 600 км/соат тезлик билан тошли йўлда ҳаракатланиш ҳалокатга олиб келиши ҳеч гапмас. Трасса узунлиги эса 20 км. ва эни 1,5 км.ни ташкил этади. Аввалги рекорддан ўтиб кетиш учун «учар» автомашина белгиланган майдонни икки марта ўртача тезликда ва автомобиль сал «киришиб» олгач яна бир марта юқори тезликда айланиб чиқса, кифоя.



МОЛЕКУЛАНИ ТОМОША ҚИЛИНГ!

Айова университети(АҚШ) ходимлари олдингиларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилувчи энг замонавий микроскопни ихтиро қилишди. Унинг асосий ўзига хослиги ҳар бир молекулани алоҳида кузатиш ва тадқиқ қилиш имконини беришидир. Маълумки, молекула сўзи латин тилида «энг кичик зарра» маъносини англатади.

Асбоб асосан биологик тадқиқотларда қўл келиши кутилмоқда. Орқали биология фанида ҳали номаълум бўлган жиҳатлар очилади. Шунингдек, бу микроскопнинг «кенжа авлоди»ни бошқа соҳаларда ҳам кенг қўллаш мумкин. Бундай микроскопнинг яратилиши ҳужайралар борасида ўтказиладиган тадқиқотларда асқотади. Олдинлари фақат ўнмиглаб молекулаларни бирданига кузатиш ҳолати уларнинг алоҳида тарзда ҳаракатланишини ўрганишга тўсқинлик қилган. Шунинг учун ҳам янги микроскопнинг аҳамияти катта.

Эътиборлиси, бундан ҳам олдин микроскопни такомиллаштириш учун изланишлар олиб борилган. Масалан, ўтган йили Япониянинг Нагоя университети олимлари дунёдаги биринчи электрон микроскопни яратилган бўлиб, у асбоб ҳам кимёвий реакцияларни батафсил кузатиш имконини берган. Бу микроскоп билан объектни 0,1 нанометр(нанометр — метрнинг миллиарддан бири)ли ҳажмга қузатса бўлади. Шунингдек, зарраларда содир бўлаётган жараённи 3D тасвирли процессорлар ёрдамида компьютер мониторидан тўғридан-тўғри кўриш имкони пайдо бўлди. Ихтиро тўғрисида scienceblog.ru сайтида батафсил хабар берилган.

ТЕОТИУАКАНДА КУХНА ТУННЕЛЬ ТОПИЛДИ

Мехикодан 40 километр узокликдаги Теотиуакан мажмуасида жойлашган Мексиканинг энг машҳур ёдгорликларидан бири «Қанотли Илон» пирамидасидаги туннелда археологик тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. «EFE» ахборот агентлиги изланишларнинг бориши ҳақида маълумотлар узатди. Тадқиқот ацтеклар яшаган даврларни ўрганишга ҳам қаратилган бўлиб, туннелдаги топилмаларда улар сиғинган ёмғир ва момоқалдирак илоҳларига ҳурмат-эҳтиром акс этган.

— 2003 йили олиб борилган қазилмалар натижасида топилган туннелни ҳамон тадқиқ қилмоқдамиз. Антропология ва тарих миллий институти (АТМИ) ходимларининг изланишлари самараси сифатида кўплаб қimmatли маълумотлар аниқланди. Хусусан, ер ости йўлининг ёши тахминан 1,8 минг йилга тенгдир. У Теотиуакан тамаддуни пайтида қурилган, — деди лойиҳа раҳбари, археолог Серхио Гомес Чавес.

Олимлар ер ости йўлида қадимий шаҳар қолдиқлари мавжуд бўлиши эҳтимолли борлигини тахмин қилишмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, туннелнинг узунлиги 100 метрга тенг. Теотиуакан (Teotihuacan) Чичен-Итцей (Chichen Itza) ва Монте-Альбан (Monte Alban) билан бир қаторда анча машҳур археологик мажмуа ҳисобланади. Шунингдек, 1987 йили Теотиуакан мажмуи ЮНЕСКОнинг маданий мерослар рўйхатига киритилган. Мексикада ҳаммаси бўлиб, 40 мингдан ортқ археологик ёдгорлик рўйхатдан ўтказилган бўлиб, шулар ичидан ўз ўрнига эга бўлган Теотиуаканга ҳар йили 2,5 миллион сайёх ташриф буюрмоқда.

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 102-гуруҳ талабалари **Ҳ.БЎРИЕВА, М.МАЪКУЛБЕКОВА, Ж.НАРЗУЛЛОЕВ** тайёрладилар.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг истиқболли раҳбар кадрлар захира мактаби»га танлов асосида **ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси);
- Ахб см. ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
- номзод фаолиятига тавсиянома;
- диплом нусхаси;
- таржимаи ҳол;
- маълумотнома (объективка);
- паспорт (нусхаси);
- меҳнат дафтарчаси;
- илмий гаражаси ва унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси;
- илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
- раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция).

Ҳужжатлар газетادا чоп этилгач, 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Танлов бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 12-уй.

Телефон: (8-3662) 233-56-47, факс (8-3662) 233-52-86.

Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси

ЎЗБЕК НИМА ДЕЙДИ?

Ajdodlar odobi

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Ишни кеч бўлса ҳам пишиқ бажарганга:
— Яхши от кейин чопади...

Текинхўр, шумшук шерикка:
— Бели огримаганнинг нон ейишини кўр...

Жанжал, оила ноаҳиллиги танқиди:
— Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака қочар...

Болажон хонадон хусусида:
— Болали уйда сир ётмас...
— Болали уй — бозор...

Қатъият, ирода, бирсўзлик даъват:
— Дарахт бир жойда кўкаради...

Кўплик, жипслик, жамоа ва аҳиллик даъват:
— Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас...

Хулосани пировард-натijaдан кейин чиқармоқлик зарурати ҳақида:
— Жўжани кузда санайдилар...

Ҳар юмушни ўз жиҳози билан бажариш хусусида:
— Игна билан битадиган ишга жуводдиз тикма...

Ишни навбати, гали билан қилиш хусусида:
— Икки кўённи қувган бирини ҳам тутолмас...

Берилган буюмнинг нархини оширишга киноя:
— Йўқолган пичоқнинг сопи олтин...

Ёлгон гапнинг миси чиқиши ҳақида:
— Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади.

Тўғрилиқ, ҳушёрлик, адолатликка даъват:
— Кўза кунда эмас, кунда синади...

Бор одам, нарсасиз, замонни қадрлашга даъват:
— Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ...

Интилиш, орзу-ҳавас қилишнинг табиийлиги ҳақида:
— Орзуга айб йўқ...

Ошқоралиқ, ростгўйлик, сабаб,

шубҳа-ғумондан холилиқ, бежавотирлик хусусида:
— Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич...

Жабр кўрган, эҳтиёткор бўлиб қолган, озурда одамга нисбатан:
— Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади...

Нарса-буюмни, кўчар-кўчмас мулкни заруратсиз сотмаслик хусусида:
— Пул бўлди — қул бўлди...

Ўйламай гапирмаслик, ҳисоб-киреб қилмай, хулоса чиқармаслик хусусида:
— Санамай — саккиз дема...

Давлат, мартаба, мол-мулкдан ўзини йўқотиб қўйган одамга нисбатан:
— Семизликни қўй кўтаради...

Кўрмай, билмай, синамай, ўрганмай яқин бўлмаслик таърифида:
— Синамаган отнинг сиртидан ўтма...

Кўрмай, билмай, ўрганмай ишга киришмаслик, хулоса чиқармасликка даъват:
— Сувни кўрмай этик ечма...

Ўйламай қилинган ишнинг зарари, инсон табиатига ётлиги, фикр билан бир ишга қўл уриш хусусида:
— Сўнги пушаймон — ўзингга душман...

Ҳаётда кўпни кўрган, тажрибали, халқ орасида юрган, бошидан кўп савдоларни кечирган одамга нисбатан:
— Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб...

Одамни қавм-қариндошидан, оила-рўзгоридан, миллатидан, ватанидан айри қўйиб бўлмаслиги хусусида:
— Этни тирноқдан ажратиб бўлмас...

Мунтазам ҳаракат, тинимсиз фаолият охир-оқибат мақсадга етказиш хусусида:
— Томчи тошни тешади...

Эзгу мақсад йўлида тинимсиз ҳаракат, меҳнатга чорлов, қўлга қараган бўлмаслик ҳақида:
— Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади...

Маҳмуд САТТОР
(Давоми бор.)

Умр оқар дарё деганларича бор. Кўз очиб юмгунча бир зумда ўтади-кетди. Умрни йиллар давомида фидокорона меҳнатлар эвазига орттирилган обрў, қилинган эзгу амаллар безайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Мухаммад-юсуф Абдурахмоновнинг яшаб ўтган ҳаёт йўли ҳам ибрат олса арзигулик саҳифаларга тўла.

1930 йил 12 мартда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида таваллуд топган М.Абдурахмоновнинг болалик йиллари машғум урушнинг залворли кунларига тўғри келди. Аввал қишлоқдаги бошланғич мактабда, ундан сўнг етти йиллик мактабда ўқиди. Негаки, Мухаммад-юсуфнинг қалбида илм олишга иштиёқ кучли бўлса-да, ўша пайтларда бутун юрт ташвиши аёлу болалар елкасига тушганлиги меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлашга мажбур этди. У даставвал ҳисобчилик қилди, кейин ҳисобчилар тайёрлов мактабини тугатиб, масъул ходим

гиликка интилувчанлиги сабабли уни 1986 йили тумандаги оқсаётган 30-хунар-техника билим юртига (ҳозирги Чироқчи ҳисоб-молия коллежи) ишга ўтказишди. Мазкур билим юртида иш бошлаши биланок, энг аввало, тартиб-интизомни йўлга қўйди. Кейин у ерда ўргатилаётган касб-хунарга маҳаллий ёшларни қизиқтира олди. Ўша пайтлари Мухаммад-юсуф ака билан бирга ишлаган кекса педагог Ж.Лутфуллаев собиқ раҳбарини хотирлаб шундай дейди: — М.Абдурахмонов билим юртига раҳбар бўлдию, гуруҳлар сони кўпайди, ўқув хоналари талаб даражасида жиҳозланди, дарсларнинг самарадорлиги яхшиланди. Илгари тикувчилик гуруҳларига қизларни уйма-уй кириб, жалб этган бўлса, Мухаммад-юсуф ака келгач, уларнинг ўзлари ўқиш истаги билан кириб келишарди.

М.Абдурахмонов мазкур билим юртида узок йиллар ишлади. Ишлаганда ҳам бор куч-ғайра-

МАЪНАВИЙ МЕРОС ҚОЛДИРГАН УСТОЗ

Талабалик йилларимиз бир даврга тўғри келган, ўқитувчилик фаолиятини ҳам бир вақтда бошлаган бўлсак-да, Абдурахим Абдусаломовни устозимдай ҳурмат қилардим. Тарих фанидан дарс бериш баробарида адабиёт ва бадий ижодга қизиқар, даврий матбуотда қисса ва ҳикоялари «Бехўд» таҳаллуспен остида босилиб турарди.

Ростгўйлик ва ҳалоллик унинг ҳаётини шиори эди.

Ҳар қандай вазиятда ҳақиқат кўзига тик боқиш, ҳақ гапни гапиришда журъатли эди.

Абдурахим Абдусаломовнинг гами — доимо мактаб, уни обод қилиш, таълим-тарбия ишларини янада юксакроқ кўтариш. Маърифат маскани остонасидан биринчи ҳатлайдиган ҳам, энг сўнгги чиқиб кетадиган ҳам — директор...

У оилапарвар, шу билан бирга маҳалла ишларида ҳам фаол, лекин мактабга қандайдир меҳри бўлакча эди.

А.Абдусаломов кейинчалик хасталиги сабаб директорликни топшириб, ўқитувчиликни давом эттирди. У умрининг сўнгги дамигача доим мактаб ва маҳалла ташвишларига шерик бўлди. Дўстимни сўнгги марта 2002 йилнинг август ойида учратдим. Меҳнат таътилимни қишлоқда ўтказиб, Истиклол тўйи муносабати билан ўтказиладиган маънавий тадбирда. «Узр, мени кутишяпти. Лекин сиз кетиб қолманг, хўпми? Тадбирдан кейин бироз ўтирамиз. Гап бор...», — деди у.

Нимадир бўлдию, кетиб қолдим. Ўзимни кечиролмайман.

Янаги сафар қишлоққа борганимда дўстимдан хабар олишга улгуролмадим. Бордимю, унинг тўсатдан оламдан ўтганини эшитдим...

Қирқ хунари бор эди унинг. Қўли гул дурадгор, наққош, санъат шайдоси, со-занда, хонанда ҳам эди у. Касбдошларига ҳамма жиҳатдан ўрнат эди — қалби тоза, нияти соф, қўли очик.

Олий тоифали устоз Абдурахим Абдусаломов Фаргона вилоятида энг илғор тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиларидан бири эди. Фидойи ўқитувчи жиҳозлаган Сўх туманидаги 10-мактабнинг тарих фани хонаси вилоятда биринчи ўринни эгаллади. А.Абдусаломов директор этиб тайинландию, тозалик, тарбия ва интизомни шундай йўлга қўйдик, мактаб узок йиллар давомида таъмирга муҳтож бўлмади. 1992 йили у раҳбарлик қилаётган маърифат маскани туман миқёсида «Йилнинг энг яхши мактаби» сифатида эътироф этилди.

Абдурахим Абдусаломов таълим ва тарбия соҳасидаги самарали меҳнати учун «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвонига сазовор бўлди. Бадий ижод билан ҳам шуғулланган Бехўд муносиб маънавий мерос қолдирди. У яратган қўшиқлар шогирдлари томонидан ижро этилмоқда. Унинг «Лифофадаги икки томчи ёш» асари асосида тайёрланган икки қисмли видеофильм Сўх телевизион студиясида намойиш этилаяпти. Муаллифнинг ўзи фильмга режиссёрлик қилган эди.

Мухаммад ШОДИЙ

ШАРАФЛИ КАСБГА СОДИҚ ИНСОН ЭДИ

бўлди. Бироқ илм истаги уни янгидан-янги марраларни забт этишга ундайверди. Ниҳоят, 1954 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг химия-биология факультетига сирдан ўқишга кирди. Ўша вақтдан бошлаб ўзи тугилиб-ўсган қишлоқдаги ўрта мактабда ўқувчиларга биология фанидан дарс бера бошлади.

Машаққатли йиллар Мухаммад-юсуфнинг иродасини тоблади. Ҳар қандай вазифани сидқидилдан бажаришга, қўлидан келганча кишиларга яхшилик қилишга ўргатди. Хўжалик раҳбари бўлиб ишлаб юрган кезларида худуддаги мактаб биноси, дарё кўприклари ва қишлоқ йўллари янгидан қуриш ва таъмирлашга бош-қош бўлди.

Ўша пайтлари қишлоқ ёшларини хунарга ўргатиш, техника сирлари билан таништириш долзарб масалалардан бири эди. Чунки техника қўл меҳнатини енгиллатиш билан бирга, иш унумини оширишда, ерга ишлов беришда муҳим аҳамият касб этарди. Шу боис уларнинг техникага қизиқишини орттиришда моддий базаси мустаҳкам билим юртини ташкил этиш зарур эди. Буни чуқур англаган М.Абдурахмонов тумандаги 19-хунар-техника билим юртини (ҳозирги Чироқчи иқтисодиёт коллежи) ташкил қилиш ташаббуси билан чиқди. Унинг жонкуярлиги билан илм маскани барпо бўлиб, майдони мевали ва манзарали дарахтлар билан ободонлаштирилди. Шунингдек, М.Абдурахмонов ушбу муассасага директор этиб тайинланди.

Ишчан, ташкилотчи, фидойилиги ҳамда ян-

тини сарфлади. Ўзи биология ўқитувчиси бўлганлиги учун билим юртининг махсус ер участкасини ташкил қилди. Ундан маҳаллий деҳқонлар тажриба майдончаси сифатида фойдаландилар.

Мухаммад-юсуф ака ҳаётини фаолияти давомида маънавий дунёси ва жонкуярлиги билан туман таълим ходимлари ўртасида катта ҳурматга сазовор бўлди. Эндигина педагогик касбни бошлаётган ёш ўқитувчиларга алоҳида ғамхўрлик қилди. Ушбу шарафли касбга муносиб бўлиш борасидаги маслаҳатларини аямади. Натижада кўпга шогирдлари қалбидан чуқур жой олди.

— У кишини нафақат акам, балки илк устозим сифатида қадрлайман, — дейди Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Қаландар Абдурахмонов. — Бизни доим ўқишга, интилишга, илм излашга чорларди. Шунинг учун оиламиздагиларнинг кўпчилиги акамнинг ортидан борди. Мана, бугун ҳатто набиралари ҳам ёш бўлишига қарамай докторлик ишларини ёклашди.

— Ҳозирги авлодга жуда ҳавасим келади, — дерди акам. — Уларнинг билим олишлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Мухаммад-юсуф Абдурахмоновнинг ҳукумати- миз томонидан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони ҳамда бир неча орден ва медаллар билан тақдирлангани қилган меҳнатларининг самарасидан далолатдир.

Аброр УМАРКУЛОВ

Xotira



ШОШИЛМАСДАН ТЕЗЛИККА ИНТИЛИНГ!

4-дарс

Футбол — кенг қамровли ўйин. Унда бир вақтнинг ўзида бир неча спорт турлари акс этади. Бунинг яққол гувоҳига айланишни истасангиз, чигалёзди машғулотлари қилаётган пайтингизда фойдаланилган бошқа спорт турлари унсурларини сананг. Унда энгил атлетика, яккакураш турларига хос бўлган элементлар, баскетбол ва спорт гимнастикаси-га хос жиҳатлар бисёрлигига амин бўласиз.



Мураббий: Турсунбой АБДУРАИМОВ

Ж у д а кўпчилик болалар ўзи истагандек футбол ўйнай олмайётганидан, соатлаб югуриб ҳам

гол урولмаётганидан нолишади. Улар тўпни бутун вужуди билан севади, уни қаттиқ тепса ҳам, кейин кеңирим сўрагандек авайлайди. Улар футбол фақат футболдан иборат деб, тушунади-да. Лекин чинакам футболчи бўлиш учун ўйинга киришишдан олдин, албатта, чигалёзди машғулотларини ўтказиш шартлиги уларнинг хаёлига ҳам келмайди гоҳида.

Табиийки, футболдек мураккаб хатти-ҳаракатларга бой ўйинга дабдурустдан киришиб кетиш яхши эмас. Оёқ пайларингиз тўсатдан амалга оширилувчи бурилишларга тайёр бўлмайди. Сўнгра жароҳат оласиз, майдонни тушкун кайфиятда тарк этасиз, шунинг билан имкониятларингиз юзага чиқмай қолади. Ўйиндан олдинги тайёргарликни рисоладагидек бажарсангиз, танангиз майдонга, иқлимга ва тўпга мослашгач, бемалол ўртоқларингиз билан икки жамоага бўлиниб, мириқиб футбол ўйнашингиз мумкин.

Келинг, энди чигалёзди машғулотлари қандай ташкиллаштирилиши ва унда нималар қилиш лозимлиги ҳақида танишиб чиқамиз.


Эслатма: чигалёзди машқлари қилинаётган вақтда энг асосий мезон — шошилмасдан тезликка қараб интилиш. Агар бирдан қаттиқ югуриб юборсангиз ёки тўпни ён чизикдан бор кучингиз билан улоқтирсангиз, кучингиз тез қирқилади ва чигалёзди машғулотлари ўз аҳамиятини йўқотади.

Чигалёзди машғулотлари одатда 10—12 дақиқа давом этиши мумкин. Дастлаб стадион (ёки зал) бўйлаб 2-3 дақиқа секин бир маромда югурамиз. Кейин оёқлар орасини елка кенглигида очиб, қўл учини ерга текказиб, 5-6 марта эгиламиз. Бу вақтда тиззаларимиз бу-

зилмаслиги керак. Футболчи учун гавдани тўтиб турувчи таянч нуқта — белнинг ўйинга тўла тайёр бўлиши ҳар жиҳатдан муҳимдир. Тиззалаб ўтирган ҳолда кўлимаз билан оёқнинг сон қисмини ушлаб, ортимизга 2-3 марта аста эгиламиз.

Кейин икки метр таҳминий чегара ораллигида орқа ва олдинга тез-тез югурамиз. Оёқларимизни тиқ турган ҳолда борича кўтарамиз. Ёки гимнастикадаги фигураларнинг бири — оёқларни бир чизик бўйлаб ёзамиз (шпагат). Бу ҳаракат ҳимоячилар учун айна муддаодир, чунки улар баъзан ҳужумчидан

сида бир оёқлаб ўтириб туриш, сакраш тавсия қилинади. 3 дақиқа давомида 50 метрга секин югуриб, бирдан тезликни оширган зайлда 10—15 қадам чопиб, яна аввалги ҳолатга қайтиб




югуриш уқтирилади. Бунга қўшимча тарзда ўнг ва чап ёнлаб ҳамда орқага югуришимиз ҳам мумкин.

Мухими, танамиздаги қон айланиши маромига келиб, вужудимизда ажиб энгилликни ҳис қилсак

Sport saboqlari

Чигалёзди




тўпни оёқларини узатган ҳолда (ҳавода ё ерда) олиб қўйиши керак.

Бу машқни чордона кўриб ўтирган ҳолатда амалга ошириш ҳам мумкин. Бунда чап қўл ўнг оёқни, ўнг қўл эса чап оёқни галма-галдан 10 марта ерга босади. Турган жойимизда оёқларимизни жуфтлаган ҳолда юқорига 15—20 марта сакраймиз. Мазкур машқ рақиб футболчиси билан ҳавода тўп учун курашишда ёки бош билан коптокка аниқ ва кучли

зарба беришда асқотади. Яна 2-3 дақиқа секин югурамиз. Бу жараён кўкрак қафасимизда нафасимиз сиқилиб қолишидан асровчи ажойиб воситадир. Шундан кейин югуришни тез-тез юриш билан алмаштирамиз. Боиси, чигалёзди машқларини тугатгач, бирдан дам олиш учун ўтириб олиш ёки футбол ўйнагани киришиш тўғри эмас. Аксинча, қўлларимизни юқорига кўтариб, туширган кўйи 2 дақиқа юрамиз.

Шунингдек, машғулотлар ора-



машқларини, табиийки, ҳар бир мураббий шогирдларига ўзи хоҳлаган, истаган йўсинда ўргатади. Юқоридаги намунадан ҳозирги кунда аксарият мактабларда ташкил этилувчи тўпга рақларда, болалар спорт маммуаларида очилган футбол секцияларида фойдаланилади.

Ф у т б о л ч и кўпроқ тўп билан муомала қилишни ўрганиши керак, албатта. Шунинг учун ҳам чигалёзди машқларини бажараётган вақтда тўпни ҳам ишлатиш мумкин. Тўп билан чигалёзди машғулотларини қандай

дунёга донг таратган терма жамоалар, клублар таркибида, албатта, шундай ноёб футболчилар бўлади. Улар энг керакли вақтда "сахна"да ҳозир нозир бўлади. Ҳатто аксарият мураббийлар ўйин олдиндан ана шундай алоҳида ҳуссиятга эга футболчилар билан боғлиқ махсус тактикаларни ҳам ишлаб чиқади.

Бир сўз билан айтганда, чигалёзди машқларини узлуksиз равишда амалга ошириб борувчи болалар бошқаларга қараганда футболдан кўпроқ завқу шавқ олади. Ўзларини майдонда тетик ва дадил тутиши, унча-мунча вақтга бемалол чидаш бериши билан ажралиб туради. Энг қизиқарли томони шундаки, бундай ҳаракатлар болаларни пухталиқка, тартиблиқка, саранжомлиқка ўргатади. Пухта болалардан эса ажойиб футболчилар етишиб чиқади.




ўтказиш лозимлиги борасидаги билимларингизни қуйидаги расмларга қараб бойитишингиз мумкин.

Чигалёзди машқлари одатда тўпсиз амалга оширилади. Унда сиз имитация йўли, яъни, тасаввурда тўпни қабул қилаётгандек, гўё коптокка зарба бераётгандек ҳаракатланасиз. Бу оёққа ортиқча оғирлик тушишдан, суяклар туй-

қус букилишидан сақлайди.


Чигалёзди машғулотларида кузатганингиздек, бошқа спорт турларига хос бўлган унсурлар ҳам учрайди. Яхши футболчи бўлиш учун ана шу спорт турларидан ҳам керагича хабардор бўлиш ортиқчалик қилмайди. Масалан, спорт гимнастикаси билан шуғулланган футболчининг ҳаракатларида мазмун бўлади, у эгилювчанлиги, букилювчанлиги эвазига ҳар қандай вазиятдан гол "ясаши" мумкин. Қолаверса, бундай "суяксиз" ўйинчиларни тутиб олиш ҳимоячиларга жиддий ташвиш туғдиради.

Баскетбол саватчасига тўп ташлаш бўйича машғулотларга қатнашган футболчилар ён чизикдан туриб ҳам тўпни бемалол жарима майдончаси томон йўналтира олади. Ҳозирги кунда бутун



дунёга донг таратган терма жамоалар, клублар таркибида, албатта, шундай ноёб футболчилар бўлади. Улар энг керакли вақтда "сахна"да ҳозир нозир бўлади. Ҳатто аксарият мураббийлар ўйин олдиндан ана шундай алоҳида ҳуссиятга эга футболчилар билан боғлиқ махсус тактикаларни ҳам ишлаб чиқади.

Бир сўз билан айтганда, чигалёзди машқларини узлуksиз равишда амалга ошириб борувчи болалар бошқаларга қараганда футболдан кўпроқ завқу шавқ олади. Ўзларини майдонда тетик ва дадил тутиши, унча-мунча вақтга бемалол чидаш бериши билан ажралиб туради. Энг қизиқарли томони шундаки, бундай ҳаракатлар болаларни пухталиқка, тартиблиқка, саранжомлиқка ўргатади. Пухта болалардан эса ажойиб футболчилар етишиб чиқади.



Келгуси дарсимизда футбол беазаги бўлмиш — финтлар ҳақида ҳикоя қиламиз. Жуда кўплаб сизу бизга таниш бўлган спортчилар айнан шундай финтлари — гайриоддий хатти-ҳаракатлари эвазига машҳур бўлишган. Шундай экан, дарсларимизни мунтазам кузатиб боришни унутманг.

Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.



ЖАМОАМИЗ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

Куни кеча Швейцариянинг Цюрих шаҳрида йирик футбол воқелиги бўлиб ўтди. ФИФА президенти Йозеф Блаттер бошчилигидаги экспертлар гуруҳи иштирокида 2018 ҳамда 2022 йилги мундиалларга қайси мамлакатлар мезбонлик қилиши аниқланди.

Маълумки, 2018 йилги жаҳон чемпионатини ўз уйида қабул қилиш даъвосини билдираётган давлатлар орасида Россия, Англия, Испания ва Португалия (биргалиқда), Бельгия ва Голландия (биргалиқда) бор эди. Яқунда руслар энг кўп овоз жамгарди ва 2018 йилги мундиал Россиянинг 12та шаҳрида ўтказилиши эълон қилинди.



"ЖЧ-2022"ни қабул қилиш бахти Осиё вакили Қатарга nasib эди. Қатарликлар мезбон сифатида тўғридан-тўғри жаҳон чемпионатида иштирок этади, Осиё терма жамоалари ҳисобидаги 4 (+0,5)та йўлланма эса сақланиб қолади. Кувонарлиси, бу ҳолат Ўзбекистон миллий терма жамоаси учун қулай имконият яратиши мумкин.

Қатарликлар кампанияси АҚШ, Австралия, Жанубий Корея ва Япония вакиллари қаршичилигини энгиб ўтишга муваффақ бўлгани қутилмаган янгилик сифатида баҳоланмоқда.

МАВСУМ СЎНГИДАГИ МАҒЛУБИЯТ

Хабарингиз борки, швейцариялик теннисчи Рожер Федерер Лондонда ўтказилган Профессонал теннисчилар Ассоциацияси якуний турнирининг ҳал қилувчи баҳсида испаниялик биринчи рақамли ракеткчи Рафаэль Надални 6:3, 3:6, 6:1 ҳисобида доғда қолдириб, бош соврин соҳиби бўлганди.

Аммо Федерернинг ўзи бу ҳолатни изоҳлар экан: «Надал йил давомида кетма-кет йирик галабаларга эришиб, дунёнинг биринчи ракеткчиси деган номни оқлади. Бундай омадли ва муваффақиятчи мавсумни ҳар қандай спортчи ҳам орзу қилади», — деди.

Жорий йилда 24 ёшли испан теннисчиси жами еттита мусобақада шохсулага кўтарилди. Буларнинг учтаси («Роан Гаррос», Уимблдон, US Open) "Катта дубулга" туркумидаги дунё миқёсидаги нуфузли турнирлардир.

АТР-2010 таснифидаги якуний турнир финалидан сўнгра Надал ва Федерер ўртасида ўзаро қарама-қаршилик 14:8 ҳисоби кўришишига келди.

Шаҳина НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кириб келаётган янги 2011 йил байрамида ўқувчи болаларга Президент совғаларини жойлаштириш учун катта махсус қутилар хариди бўйича танлов ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов савдоларида Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган, сифат ва баҳо борасида харидоргир махсулот ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имкониятига эга бўлган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танлов ўтказиш жараёнлари, тартиби ҳамда харид қилинадиган қутилар тўғрисида батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

100159, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Тел: (8-371) 239-13-43, 239-10-23, 239-45-12, 239-41-11 Факс: (8-371) 239-13-43

Танловда иштирок этиш истагини билдирганлар Халқ таълими вазирлигига 2010 йил 9 декабрь соат 16:00дан кечкимаган ҳолда ўз таклифларини тақдим этишлари лозим. Кўрсатилган мuddатдан кечикканларнинг мурожаатлари инобатга олинмайди.

Анджон вилояти Жалақудук тумани ХТБга қарашли 33-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Думабоева Гулноза Маъруфжон қизи номига берилиши лозим бўлган, ёзилмаган U № 4133464 рақамли буш бланка йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛНАДИ.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сонли академик лицей жамоаси университет ректори Абдулла Исмоиловга онаси МУКАМБАР аянинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАШГУЛОТИ




Наманган вилоятида болалар спорти, жумладан, бадий гимнастикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу спорт турига ихтисослашган мактабларнинг барпо этилиши ва мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларда ҳам яққол ўз ифодасини топаётди. Наманган шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорти мактаби қошида фаолият юритаётган

бадий гимнастика секциясида яратилган қулайликлар фикримиз исботидир. Яқинда ушбу даргоҳ спорт залида реконструкция ишлари амалга оширилиб, зарур анжомлар билан жиҳозланди. Ҳозир бу ерда 100 нафардан ортиқ ўғил-қиз трамплин, акробатика, бадий гимнастика каби спорт турлари билан мунтазам шугулланмоқда. Уларга Ҳамида Худойбердиева, Наталья Пере-

лыгина, Алишер Қўчқоров, Нозима Шамсибоева, Дилором Нуриддинова сингари спорт усталари машгулотлар ўтмоқда. **Суратларда:** 1. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Наталья Перелыгина машгулот жараёнида. 2. Мураббий Нозима Шамсибоева. **Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.**

"СПОРТ" АЙЛАҲМА КРОССВОРДИ

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида: 1. XVI Осиё ўйинлари бўлиб ўтган мамлакат. 2. Таниқли ўзбек курашчиси, олимпиада ўйинлари ва халқаро мусобақалар совриндори. 3. Дунёда кенг оммалашаётган ўзбек миллий спорт тури. 4. Мусобақа соврини. 5. Хиросимада 1994 йили ўтказилган Осиё ўйинларининг совриндори бўлган таниқли ўзбек боксчиси. 6. Мамлакатимиз футбол юлдузи, мураббий. 7. Дзюдо спортига мўлжалланган таранг гилам. 8. Жанубий Африка Республикасида ўтказилган футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати ўйинларини моҳирона бошқарган ҳакам, ватандошимиз. 9. Масофани босиб ўтиш мусобақаларининг бошланиш жойи. 10. Ўзбек курашида соф галабага бериладиган баҳо. 11. Сузиш мусобақалари ўтказиладиган иншоот. 12. Сингапурда ўсмирлар ўртасида ўтказилган I ёзги Олимпия ўйинлари совриндори, ўзбек юнон-рум курашчиси. 13. Дунёда оммалашган спорт ўйини. 14. Пойтахтимизда таэквандо WTFнинг "пумсе" йўналиши бўйича ўтказилган V жаҳон чемпионати совриндори. 15. Ўзбекистон Республикаси спортчилари биринчи марта иштирок этиб муваффақиятга эришган, XII Осиё ўйинлари бўлиб ўтган мамлакат пойтахти. 16. Стадиондаги "кўзгу". 17. Мамлакатимиз олий лига футбол жамоаси. 18. Мамлакатимиз футбол терма жамоаси аъзоси, "Пахтакор" тўпурари. 19. Моҳир ўқотар спортчи. 20. Ватанимизнинг таниқли теннисчиси, халқаро мусобақалар иштирокчиси. 21. Сузиш усули. 22. Паст-баланд, йўлсиз, турли та-



бий тўсиқлар бўлган жойда ўтказиладиган пойга. 23. Ватанимизнинг моҳир гимнастикачиси, олимпиада ўйинлари совриндори, халқаро мусобақалар голиби. 24. Ватанимиздаги энг катта стадион.

МУАММОНОМА

Авалло қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.
1. Халқаро мусобақа чемпиони шарафига ижро этиладиган давлат рамзи — 13, 2, 7, 17, 6, 25.
2. Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони — 4, 20, 3, 10, 7, 18, 5, 8.
3. Оғир атлетика спорти — 11, 9, 2, 3, 12, 2.
4. Боксчи анжومي — 24, 19, 1, 24, 5, 23.
5. Спортчининг мусобақаларга тайёргарлик жараёни — 13, 2, 11, 21, 20, 1, 5, 9.
6. Қисқа масофага югуриш, сузиш бўйича ўтказиладиган мусобақа — 9, 11, 7, 2, 3, 6.
7. Кураш беллашувлари ўтказиладиган жой — 13, 2, 3, 26, 16.
8. Футбол ўйини қисми — 9, 2, 22, 13.
9. Транспорт воситаси билан пойга мусобақаси ўтказиладиган иншоот — 15, 26, 1, 5, 9, 8, 26, 18.
Калит сўзлар жавоблари асосида шакл марказидаги рақамларда яширинган муаммонотани ҳал этиб, ибратли сўзларни билиб олинг.

Фозилжон ОРИПОВ

<p>Ma'rifat</p> <p>TA'SIS ETUVCHILAR:</p> <p>O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</p>	<p>Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV</p> <p>Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.</p>	<p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>INDEKS: 149, 150. G-1122. Tiraj 26533.</p> <p>Hajmi 5 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</p> <p>Navbatchi muharrir: Bashorat OTAJONOVA. Navbatchi: Sherati NAMOZOV.</p>	<p>"Ma'rifat"dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. Belgisi ostida reklama materiallari beriladi.</p> <p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p> <p>E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz</p> <p>TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p>Dizaynerlar: Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.</p> <p>"Sharq" nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.</p> <p>Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 22.00 ЎЗА якуни — 22.00</p>
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------